

## **Ислом дини ва мусулмонларни мазах қилиш**

**Муҳаммад ибн Саид Қахтоний**

Ушбу китобча дин ва унга мансуб

бўлган кишилар, яъни

мусулмонларнинг устидан мазах

қилишнинг ҳукми ҳамда, шу мавзуга

оид бўлган бошқа масалаларни

батафсил ёритиб беради.

<https://islamhouse.com/19.889>

- [Ислом дини ва мусулмонларни  
мазах қилиш](https://islamhouse.com/19.889)

- БИРИНЧИ ФАСЛ:
- Мазах қилишнинг хатарлари
- ИККИНЧИ ФАСЛ:
- Мазах қилиш сабаблари
- УЧИНЧИ ФАСЛ:
- ТЎРТИНЧИ ФАСЛ:
- Истеҳзо кўринишларидан  
намуналар
- БИРИНЧИ БАҲС:
- Аллоҳ таолони мазах қилиш  
кўринишларидан намуналар
- ИККИНЧИ БАҲС:
- Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам ва  
саҳобаларни мазах қилиш  
кўринишлари
- ТЎРТИНЧИ БАҲС:

- Мўминларни мазах қилиш
- БЕШИНЧИ ФАСЛ:
- Мазах қилувчиларнинг жазо ва уқубатлари
- ОЛТИНЧИ БЎЛИМ:
- Масхара ва истехзо қилувчиларга мусулмоннинг муносабати
- ХОТИМА
- Китобни ёзишда фойдаланилган манбалар

## Ислом дини ва мусулмонларни мазах қилиш

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳ таоло айтди:

"Айтинг: "Сизлар Аллоҳ, Унинг оятлари ва расулини мазах қиляяпсизларми? Узр айтманглар. Сизлар иймон келтиргандан сўнг кофир бўлдингиз!" (Тавба: 70, 71).

Муқаддима

Аллоҳга ҳамдлар, пайғамбарларнинг сўнггисига, унинг оиласи, саҳобалари ва унинг йўлидан юрган барчага салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Бугун Умматнинг ҳаётига назар ташлаган одам, ҳайратомуз ва ёқимсиз ишларнинг гувоҳи бўлади. Чунки, бу Умматнинг Исломни

ҳаётга татбиқ этишга яқин ёки узок бўлишига қараб Умматнинг ҳаётидаги бузилиш кўпайиш ва озайиш ўртасида беқарор бўлмоқда.

Бу Умматнинг касаллиги бениҳоя кўп ва оғирдир! Шунинг учун ҳам, агар табиб унга тўғри ташхисни қўймас экан, фойдали дори-дармонни тавсифлаши қийин бўлади. Натижада ишлар чигаллашиб, ноҳуш натижаларга олиб боради.

Бу Уммат ҳаётидаги хатарли касалликлардан бири "Ислом ва мусулмонларни мазах қилиш" касаллигидир. Унинг вируслари ҳоҳ Уммат ичидан, ҳоҳ ташқарисидан

келган бўлсин, — буларнинг ҳар иккиси мавжуд — хатарли натижага олиб боради: бандани Ислом динидан бутунлай чиқаради.

Китобхон дўстим, бугунги воқеълигимиздаги эрмакчи ва масхараловчиларнинг ҳаёти ва аҳволлари ҳақида ўйлаб кўрсангиз, ажойиб нарсаларни кўрасиз, Иймон нурлари ёритган қалбингиз оғриб, сиқилади ва афсус чекасиз.

Масалан: бугунги кундаги шоирларнинг нашр қилинаётган ва ўқиляётган сўзларига қарасангиз Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва динини мазах қилиш билан очик куфр

амалини қилаётганларини кўрасиз,  
Ҳолбуки, Аллоҳ таоло уларнинг  
мазахларидан буюк ва бутунлай  
муназзаҳдир!

Бугун энг кучли қуролга айланган  
оммавий ахборот воситаларида баъзи  
мухбирларнинг диний асосларимиз  
ва қадриятларимиз устидан кулиб,  
масхара қилишаётгани ҳақида ўйлаб  
кўринг.

Мана бу ёзувчи Одам  
алайҳиссаломнинг яралиши ҳақида  
Аллоҳ таоло Қуръон Каримда баён  
қилган оятларни мазах қилиб, инсон  
маймундан келиб чиққан деб даъво  
қилмоқда!

Анави ёзувчи Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у  
зотнинг тўққизта хотинга  
уйланганини масхара қилиб,  
карикатура (ҳажвий сурат) чизмоқда!

Учинчиси бўлса Аллоҳнинг шариати  
билан ҳукм қилганлар, ёки ҳукм  
қилишни талаб қилаётганлар устидан  
кулиб, уларни турғун фикрли ва  
зулматли асрларга қайтмоқчи бўлган  
"ақидапарастлар" деб номламоқда!

Тўртинчи ёзувчи ҳижоб устидан  
кулиб, тиббиёт факультетидаги  
толиба қизларни имтиҳондан ҳайдаб  
чиқаришни талаб қилмоқда!!



Бешинчиси эса, араб тилини мазах қилиб, уни турғунликда айблаб, Қуръон тилига бадал ўлароқ халқ тилида сўзлашиш ёки лотин алифбосида ёзишга чақирмоқда ҳамда араб тилининг олийжаноб адабиёти ўрнига бадал қилиб, пардоз ва "кўрпа одоблари" "адабиёти"ни талаб қилмоқда!

Олтинчиси эса, шаръий жазоларни ижро қилиш устидан масхара қилмоқда ва унинг ижроси ваҳшийлик ва шафқатсизлик деб айтмоқда. У бунга бадал ўлароқ жамиятнинг "инсон ҳуррияти ва маданият" номи остида жиноятчи

тўдалар ва қароқчиларга айланиб  
қолишини талаб қилмоқда!

Ҳатто иш шу даражага етиб бордики,  
исломий маданият ва даъватга  
мансуб ҳисобланган баъзи кимсалар,  
пайғамбарлар саййидининг  
суннатини маҳкам ушлаган  
мусулмонларни кеча-кундуз масхара  
қилиб, улар устидан кулмоқдалар.  
Уларни ақли заиф ва пасткашлар деб  
таърифламоқдалар. Ҳатто имом  
Бухорий ва имом Муслим  
раҳимаҳумаллоҳларнинг "Саҳиҳ"  
(**ҳадислар тўплам**)ларида ўз жойини  
олган, Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг мўжизаларини  
масхара қилмоқдалар. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болалик чоғлари — Бани Саъдда яшаган пайтларида Жибрил алайҳиссалом келиб, кўкракларини ёриб, муборак қалбларидан Шайтон насибасини олиб ташлаб, уни иймон билан тўлдирган мўъжизаси шулар жумласидандир. Ҳолбуки, бу мўъжиза "Саҳих"да собитдирки, инсон ақли заиф ва ноқис бўлганлиги сабабли уни идрок этишдан ожиз.

**Мана бу мазахчи у мўъжизани инкор этиб:** "Мен ақлим тасдиқлаган нарсагагина ишонаман. Ахир иймон суюқлик эмаски, уни шишаларга қуйсак!", демоқда!

Ҳурматли китобхон, бу – биз киришган мавзунинг хатарли эканини билишингиз учун келтирилган намуналардир. Мазах қилувчи одам, Аллоҳ таолони лойиқ бўлганидек қадрламаган бўлади ва қилиб қўйган гуноҳи қанчалик катта эканини сезмайди. Валлоҳу аълам, Ислом дини ва унинг аҳли устидан мазах қилиш, унинг асосларини баён қилиб берадиган, атрофлича ва мустақил равишда баҳс қилинмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Хусусан, бунинг инсон билмасдан тушиб қоладиган амал бўлиши ўта хатарлидир.

Мазах қасдсиз содир бўлсада, у катта гуноҳ ва унинг иймонга бўлган хатари улкандир. Агар қасддан содир бўлса, унинг гуноҳи буюк ва даҳшатлидир. **Ҳар икки ҳолатда ҳам мазах қилган одам кечирилмайди:** "Айтинг: "Сизлар Аллоҳ, Унинг оятлари ва расулини мазах қиляпсизларми? Узр айтманглар. Сизлар иймон келтиргандан сўнг кофир бўлдингиз!" (Тавба: 70, 71).

Шунинг учун ҳам, Аллоҳдан мадад ва ёрдам сўраб, Исломни бузадиган амаллардан бири бўлган ушбу мавзу ҳақида рисола ёзиш учун киришдим. Шояд Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу рисола билан фойдалар берса. Шояд

бу Уммат ўз динини бузаётган дарича ва задаловчи манбаъларни билиб уйғонса. Шояд Умматимиз ўз динига ҳазил ва истеҳзосиз, жиддий ва садоқат билан амал қилса. Чунки, жиддий бўлмаган умматнинг инсонлар олдида ҳам ҳаёт воқелигида ҳам ҳеч бир ўрни йўқдир.

Ўз динини мазах ва диндорларни масхара қилган Уммат - ҳаётдан видолашган умматдир. "Уларни қилган мазахлари ҳалок қилди!" (Ҳуд: ʌ).

Мен ушбу баҳсни муқаддима ва олти фаслга бўлдим:

Биринчи фасл: мазах қилишнинг хатарлари.

Иккинчи фасл: мазах қилиш сабаблари.

Учинчи фасл: мазах қилиш – Аллоҳ йўлига даъват қилиш тўсиқларидан биридир.

Тўртинчи фасл: мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Бешинчи фасл: мазах қилганларнинг жазо ва уқубатлари.

Олтинчи фасл: мусулмоннинг мазах ва масхара қилувчиларга муносабати.

Муқаддиманинг охирида, Роббимга, муяссар этган ва ёрдам берганлиги учун, юзининг буюклиги ва салатанатининг кенглигига лойиқ шукроналар айтаман. Ўзларининг маслаҳатлари, фикрлари ва китоблари билан ёрдамчи бўлган фозил ва илм аҳли бўлган дўстларимга миннатдорчилигимни билдириб, Аллоҳ таолодан уларга кўплаб савоблар бериши ҳамда барчамизга динимиз ва дунёмизда жиддийлик ва саботни ато этишини сўраб қоламан.

Охирги дуомиз: ҳамдлар барча оламлар Роббиси бўлган – Аллоҳга бўлсин.



Муҳаммад ибн Саид  
ибн Солим Қахтоний

Уммул-Қуро  
Дорулфунуни, Эътиқод факультети

Маккаи Мукаррама  
шаҳри -Аллоҳ уни ўз ҳифзу-  
ҳимоясида сақласин-

## **БИРИНЧИ ФАСЛ:**

### **Мазах қилишнинг хатарлари**

Мазах қилиш, Аллоҳ  
душманларининг ахлоқидандир. У —  
кофирлар, мушриклар ҳамда  
Аллоҳнинг дини ва мусулмонларга  
нисбатан қалблари гина-адоват

билан тўлиб-тошган мунофиқлар  
хулқ-атвориدير.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло бу  
хулқ ва унинг эгаларини ўз  
пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам ва унинг  
саҳобаларига очиб берди. Қуръон  
Каримнинг талайгина оятларида бу  
ёмон хулқ ва унинг эгаларига  
нисбатан пайғамбарларнинг  
муносабатлари баён қилинган. Балки  
бу оятлар ўша, мазах қилганларнинг  
кофир бўлганликларини очиқ айтган.

Расулуллоҳ соллаллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг одамлар  
ичидаги энг раҳмдил ва уларнинг

ичида узрларни қабул қилишда тенгги йўқ бўлганликлари сийратларидан маълумдир. Шунга қарамасдан у зот масхараловчининг узрини қабул қилмаган, кулувчи, мазах қилувчининг хужжатиغا эътибор қилмаганлар. Ўзлари ва асҳоблари устидан Табук жангига кетар эканлар, мазах қилиб кулган кимсаларнинг узрларини қабул қилмадилар ва ҳатто уларга қиё боқиб ҳам қўймадилар. Ҳолбуки, **улар:** "Биз ҳазиллашган эдик!" десаларда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан узрларини қабул қилмадилар. Балки, **уларга етти қат Осмон устидан нозил бўлган**

раббоний ҳукмни тиловат қилиб бердилар:

«(Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: "Сизлар Аллоҳ, Унинг оятлари ва расули устидан кулаяпсизларми? (Энди) Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг кофир бўлдингиз!"» (Тавба: 75, 76).

Қилмишларининг нақадар оғир ва хатарли эканини тушуниб етиш учун, уларнинг ҳолатларига бир назар ташлайлик. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ғазот қилиш учун оилалари, рафиқалари, фарзандлари ва юртларини ташлаб чиққан эдилар.

Бу, ёзнинг энг иссиқ кунлари бўлган эди. Улар қаттиқ очлик ва қакратган чанқоқликка учраган эдилар. Бироқ, бу кўрган қийнчиликлари уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар устидан кулган пайтларида ҳеч бир фойда бермади.

Ислом умматининг ўтган ва ҳозирги уламолари — Аллоҳ уларга раҳм қилсин — Аллоҳ, Унинг дини ва расулини мазах қилишнинг диндан чиқарадиган очиқ куфр эканига ижмоъ-иттифоқ қилганлар. Буни очикроқ тушуниш учун жаҳаннамнинг энг тубига тушадиган мунофиқлар аҳволи ҳақида фикр юритсангиз, уларнинг Аллоҳ, Унинг

оятлари, расули ва мўъминлар устидан энг кўп масхара ва мазах қилувчи одамлар бўлганини кўрасиз. Бу эса уларни Ислом динидан бутунлай чиқарадиган ишдир. **Аллоҳ таоло айтди:**

«Уларга: «Мана бу кишилардек иймон келтиринглар», дейилса, «Шу пасткашларга ўхшаб мўмин бўламизми?» — дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар. ﴿٤﴾. **Иймон келтирган зотларга йўликқанларида:** «Биз ҳам иймон келтирдик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан ҳоли қолганда

эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади. ۱۵. Оллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади. ۱۶. Улар ҳақ йўлнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмадилар. (Бақара: ۱۳ – ۱۶).

Бу ишнинг ўта хатарли бўлгани учун ҳам, уламоларимиз уни Ислом фикҳи ҳақида ёзилган китобларнинг муртадлик бобида зикр қилдилар. Муртадлик, илм аҳлларига маълум

бўлганидек, аслий куфрдан кўра қаттиқ эканлигида шубҳа йўқдир.

Ибн Қудома Макдисий раҳимаҳуллоҳ айтди: "Ҳоҳ жиддий ва ҳоҳ ҳазиллашиб Аллоҳни ҳақорат қилган (сўккан) одам – кофир бўлади. Шунингдек Аллоҳ таоло, Унинг оятлари, пайғамбарлари ёки китобларини масхара қилган одам ҳам, кофир бўлади"[\(1\)](#).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтди: "Куфрни тақозо этадиган ишлар, қасддан қилиш ва динни очиқ мазах қилиш билан бўлади"[\(2\)](#).

Қуртубий раҳимаҳуллоҳ қози ибн Арабий раҳимаҳуллоҳнинг табуқ



жанггидаги мазах қилганларнинг ҳолатини шарҳлар экан ёзган сатрларни иқтибос қилиб келтирди: "Уларнинг айтган бу сўзлари ё жиддий ёки ҳазил бўлиши муқаррардир. У қандай бўлмасин куфр амалидир. Зеро куфрни ҳазиллашиб қилиш ҳам куфр эканига Уммат уламолари ижмоъ қилганлар. Чунки, тадқиқ билим ва ҳақиқатнинг йўлдоши бўлса, ҳазил ноҳақлик ва жаҳолатнинг қардошидир" ([\[3\]](#)).

Шайхулислом ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: "Аллоҳ, Унинг оятлари ва расули устидан мазах қилиш куфр бўлиб, уни қилган кимса

иймон келтирганидан сўнг кофир бўлади"([[۴](#)]).

Сулаймон Тамимий эса, ўзининг бебаҳо китоби "Китобут-[тавҳид](#)"да: "Унда Аллоҳ ёки Қуръон ёки пайғамбар зикри бўлган нарса билан ҳазиллашган кишининг боби" номли боб ажратди. Яъни, бундай кишининг кофир бўлиши ҳақида([\[۵\]](#)).

Шояд имом Сулаймон Тамимий раҳимахуллоҳ мазах қилишни Исломни бузадиган ўнта амаллардан бири деб ҳисоблаган олимларнинг кўзга кўринганларидан бири бўлса керак. У Исломни бузадиган ўнта

амалнинг олтинчисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динни ёки унинг савоби ёки жазолари устидан мазах қилишни зикр қилди. ("ал-Жомеъул-фарид", ۲۸۳).

Динни мазах қилганларнинг кофир эканлигини айтган замонамиз олимларидан баъзилари булардир: шайх Муҳаммад ибн Иброҳим Оли Шайх, шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз ва шайх Муҳаммад Солиҳ Усаймин — раҳимаҳумуллоҳ. Уларнинг барчаси бундай кимсалар ҳақида: "Ислом миллатидан чиқувчи кофирдир" дея фатво бердилар[1].

Аллоҳнинг Китоби ҳақиқий исломий тарбия китоби бўлганлиги учун ҳам, Аллоҳ таоло мусулмонлар жамияти жоҳилият ахлоқи ва айбларидан узоқ бўлиб, садоқат, ростгўйлик, ҳурмат ва жиддийлик узра бўлиши учун, мўминларни мазах ва масхара қилиш ахлоқларидан огоҳлантирди ва улардан қайтарди:

«Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавмдан масхара қилиб кулмасин — эҳтимолки, (ўша масхара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам (бошқа мўмина) аёлларга (масхара қилиб кулмасинлар) — эҳтимолки,

(ўша масхара қилинган аёллар)

улардан яхшироқ бўлсалар.

Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар! Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъни мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар.» (Хужрот: 11).

Ибн Касир раҳимахуллоҳ ушбу оят тафсирида шундай деди: "Аллоҳ таоло одамларни масхара қилишдан қайтармоқда. Масхара қилиш –

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан "Саҳиҳ" да ворид бўлганидек, одамларни мазах қилиш ва уларни таҳқирлаш, демакдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Кибр – ҳаққа қарши чиқиш ва одамларни камситишдир" [\[۷\]](#).

Саййид Қутб раҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида шундай деди: "Ислом Қуръон ҳидояти билан тиклаётган фазилатли жамият, олий одоби бўлган жамиятдир. Бу жамиятдаги ҳар бир шахснинг дахлсиз эҳтироми бордир. Бу эҳтиром барчанинг эҳтиромидан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам, бировни айблаш

Ўзини айблаш кабидир. Чунки, жамият яхлит бўлиб, унинг ҳурмати бирдир. Қуръон Карим ушбу оятда мўъминларга қуйидаги ёқимли нидо билан хитоб қилмоқда: "Эй, мўъминлар!" ва уларга бир қавмнинг иккинчи бир қавм устидан кулишни таъқиқламоқда. Яъни, бир одам бошқа одам устидан кулмасин, шояд мазах қилинганлари мазах қилувчилардан кўра яхшироқдир. Аёллар бошқа аёллар устидан кулмасинлар, шояд мазах қилинганлар Аллоҳнинг ўлчовида мазах қилувчилардан кўра яхшироқдирлар.

Гоҳо бой камбағални, кучли заифни, маҳоратли зийрак, бўшашган соддани мазах қилиши, болалик бефарзанддан, ота-онали одам етимдан, гўзал аёл хунукдан, ёш қиз кампирдан, соғ аёл мажруҳдан, бой аёл камбағал аёлдан кулиши мумкин. Бу ва бунга ўхшаш ўлчовлар Ерга мансуб ўлчовлар бўлиб, ҳақиқий ўлчовлар эмас. Аллоҳнинг тарозиси эса булардан бошқа ўлчовлар билан кўтариб пастлатади.

Одамлар ёқтирмайдиган ва ўзлари учун камситиш ва таҳқир деб ҳис этишадиган лақаблар билан айблаш, масхаралаш ва камситишнинг айни ўзидир. Мўъминнинг мўъмин



устидаги ҳақларидан бири эса, уни ёқтирмайдиган ва озорлайдиган лақаблар билан чақирмаслигидир" [^].

Хуллас, Ислом дини ва унинг аҳли устидан ҳоҳ махфий ва ҳоҳ ошкора кулинсин, у Иймонни бузувчи нарсадир.

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ деди: "Қалб билан масхара қилиш ва камситишнинг қалбдаги иймонга қаршилиги икки зиднинг бир-бирига қаршилиги кабидир. Тил билан мазах қилиш тил билан зоҳир бўлган иймонга қаршидир" [9].

## ИККИНЧИ ФАСЛ:

## Мазах қилиш сабаблари

Ислом ва мусулмонларни мазах қилиш зикр қилинар экан, **хаёлга зудлик билан ҳайратли савол келади: Нега мазах қилинмоқда? Нега масхара қилинмоқда?**

Биз ҳақ узра эмасмизми? Биз Аллоҳнинг даъватчисига лаббай деб, Унга иймон келтирмадикми? Нега одамлар бизни ва динимизни масхара қиладилар?

Бу саволларга жавоб бериш учун шундай дейман: шубҳасиз, бу камситиш ва мазахларнинг мазах қилувчи ва камситувчи одамлар қалбига ўрнашиб кетган сабаб ва

омиллари бордир. Шояд бу омил ва сабабларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1) Бу буюк динга нисбатан ўша гуруҳ тарафидан бўлган катта адоват ва нафрат

Аллоҳ таоло Ислом динини дунё ва охират саодати учун ягона йўл қилди: «Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд такво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди.» (Анъом, 103).  
Бу дин инсон ҳаётини одамлар

билмаган бир услуб билан, бутунлай янгитдан бошлайди.

Бу дин, Аллоҳнинг изни билан, **ушбу ҳаётда барча нарсада:** фикри, туйғулари, сулуки-юриш-туруши ва қийматларида фарқли бўлган Умматни вужудга келтириш учун жоҳилият ўлчовларини беқарор қилади. Шунинг учун ҳам, жоҳилият уни мозийда ҳам хозирда ҳам қучоқ очиб кутиб олмаган ва олмайди ҳам! Балки, унга ўзида бўлган барча қувват, гина ва нафрат билан қаршилик кўрсатади.

Жоҳилият Исломдаги ҳақ ва эзгуликни, Угина ҳаётдаги

қинғирликларни тузата олишини жуда яхши била туриб қаршилик қилади ва ундан нафратланади. Чунки жоҳилият, бу қинғирликнинг тузалишини хоҳламайди, балки, қинғирлигича қолишини афзал кўради. Исломни ёқтирмайди, чунки У- ўз номи билан жоҳилиятдир. Бу эса Ислом" [۱۰].

Аллоҳ таоло деди:

«Энди Самуд (қабиласи)га келсак, бас, Биз уларни (Тўғри йўлга) ҳидоят қилган эдик, улар ҳидоятни қўйиб, кўрликни, залолатни ихтиёр қилдилар.» (Фуссилат: ۱۷);

«Қасамки, Нуҳни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у: «Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон Илоҳ йўқдир. Албатта, мен сизларнинг буюк КУН (Қиёмат Кунининг) азобига гирифтор бўлишингиздан кўрқаман», деди. ٦٠. (Шунда) унинг қавмидан (зодагон) одамлар: «Биз сенинг очиқ залолатда эканлигингни кўрмоқдамиз», дейишди. (Аъроф: ٥٩, ٦٠);

«٦٥. Од қавмига ўз биродарлари Худни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинги! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Унинг азобидан

қўрқмайсизларми?!» ٦٦. (Шунда)  
 унинг қавмидан кофир бўлган  
 одамлар: «Биз сенинг нодон  
 эканингни кўриб турибмиз ва  
 албатта биз сени ёлғончилардан, деб  
 гумон қилмоқдамиз,  
 дейишди. (Аъроф: ٦٥, ٦٦);

«لوط - لوط». Лут (пайғамбар) ўз қавмига:  
 «Шундай бузуқлик қиласизларми?  
 Ахир сизлардан илгари бутун  
 оламлардан бирон кимса бундай  
 қилмаган эдику?! (Наҳотки) сизлар  
 хотинларингизни қўйиб,  
 нафсингизни қондириш учун  
 эркакларга борсангиз?! Йўқ, сизлар  
 ҳаддан ошувчи қавмдирсиз»,  
 деганини эсланг! ٨٢. Қавмнинг

жавоби эса фақат мана бундан  
иборат бўлди: «Уларни (яъни Лут ва  
тобеъларини) қишлоғингиздан  
чиқариб юборингиз! Чунки улар  
ҳаддан ортиқ покиза одамлар  
экан». (Аъроф: ٨٠ – ٨٢).

Аллоҳнинг дини ва унга қатъий риоя  
қилаётган мусулмонларга нисбатан  
жоҳилият қилаётган мана бу нафрат,  
"Унинг борлиғи, манфаатлари,  
майилликлари ва қинғирликларига  
янги нурнинг таъсиридан  
қўрқишидан пайдо бўлмоқда. Зеро  
жоҳилият ҳақдан қанчалар  
узоқлашгани, нафс-ҳавони ҳакам  
қилгани, майлликларга бутунлай  
бўйсуниб қолганини ва соғлом



этикод Ер юзида ҳукм қилганида, нур йўқ бўлган маҳалда, маккорона қўлга киритиб олган манфаат ва майилликлардан маҳрум қолишини юракдан ҳис этади... Бунда мутакаббирлик қилганлар билан бечоралар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқдир. Чунки, бу жоҳилиятда ҳар икки тоифанинг ҳам интилган манфаат ва майилликлари бордир"[\[1\]](#)".

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни бу дин билан юборганида, одамларни башарга қуллик қилишдан қутқарди ва улар ёлғиз Аллоҳга ибодат қилдилар. Натижада, дўстлик қабила ва

қариндошлик каби жоҳилий  
ришталар асосида эмас, балки, ёлғиз  
Аллоҳ учун бўлди. Бу эса дўстлик ўз  
шахсиятлари учун бўлишини истаган  
кимсаларни безовта қилди.

Зодагонлардан кейин бу диндан  
нафратланадиган ва бу динга қарши  
курашиш учун мазах ва истехзо  
қуролларини истеъмол қиладиган  
сон-саноксиз табақалар-синфлар  
бордир. **Улардан баъзилари мана  
булардир:** Ёзувчилар, ҳикоянавислар,  
дикторлар, артистлар, фазилатдан  
асар ҳам бўлмаган фожира аёллар,  
ароқхўр ва гиёҳвандлар ҳамда  
бошқалар. Уларнинг бу  
қаршиликларининг асосий

боисларидан бири, уларнинг тижоратлари ҳаром олди-соттига асосланганлигидир. Агар Аллоҳнинг дини қоим бўлиб, амалда татбиқ этилса, улар унинг ичида яшаб, кўпайишаётган ботқоқликни қуритиб юборади [۱۲]. Аллоҳ душманларининг порлаган Исломнинг суратини булғаш ва бузиш учун қаттиқ харис эканларини фақатгина мутакаббир ва ўжар одамгина инкор этади. Шундай экан, бу суратни булғаш ва унинг порлоқ юзига қоронғу парда тортиш учун мазах ва истехзони қурол қилинишидан ҳайратланмаслик керак. Бироқ, кофирлар

ёқтирмасалар-да, Аллоҳ ўз нурини камолотига етказди!

۲) Эзгу ишларни қилаётган одамлардан ўч олиш

«Чунки, улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан». (Аъроф: ۸۲).

Маълумки, эзгу ишларни қилаётган олийжаноб инсонлар сифатланган поклик ва иффат, бадбахт ва ёмон инсонларни безовта қилади ва улар ботилликларининг "софлиги"ни лойқалатиб ташлайди. Шунинг учун ҳам, у фосиқлар эзгу ишларни қилаётган одамларни мазах қилишади ва уларга истехзо билан боқишади: «Чунки, улар ҳаддан

ортиқ покиза одамлар экан».

Уларнинг мантиғига кўра бу жамият разолат ва ифлосликка фарқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам улар, **уммат ичида пок ва ифбатли инсонларни кўришга тоқат қила олмайдилар:**

«Улар (**мўминлардан**) фақат у (**мўмин**)лар қудрат ва мақтов эгаси бўлган Оллоҳга — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар!» (**Буруж: ʌ**).

ʃ) Бекорчилик ва бошқалар устидан кулишни яхши кўриш

Агар инсон бу дунёда яратилишидан асосий ва буюк мақсад – Аллоҳ

таолога шериксиз ибодат қилиш эканини ёдидан чиқарар экан, ҳаётида ҳалокатга етаклайдиган бекорчиликни ҳис этади. Шунинг учун ҳам, бу бўшлиқни тўлдириш учун зудлик билан шайтоний йўлларга йўналади, гарчи у йўллар Аллоҳ, Унинг оятлари, расули ва мўъминларни мазах қилиш бўлса ҳам. Баъзи қалблари мариз кишилар одамлар устидан кулиш ва уларни масхара қилиш билангина маза қиладилар. Ҳолбуки, **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида бундан огоҳлантирдилар:** "Киши Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган бир сўзни

айтадики, унинг Аллоҳ ғазабидан қай даражага етишини билмайди, бас, Аллоҳ қиёмат кунгиа қадар унга ғазабини ёзиб қўяди" [۱۳].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бу мазахчи ва масхараловчини огоҳлантириб шундай деганлар: "Одамларни кулдириш учун ёлғон гапираётган одамнинг ҳолига вой бўлсин! Вой бўлсин! Вой бўлсин!" [۱۴].

"Ал-Муснад"да эса: "Киши суҳбатдошларини кулдириш учун бир сўзни айтадики, шу сўзи билан (жаҳаннамдан) Сурайё (юлдузи)дан

ҳам узок масофадаги жойга тушади"-  
дедилар. [10]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг ушбу ҳадисларини  
кўрдингизми? Бу ҳадислар мўъмин  
ва мўъминаларнинг устларидан  
кулиш учун бир-бирларини ёки  
бошқаларни кулдириш учун ёлғон ва  
мазах усулларини тўқиётган мазахчи  
ва истехзочи кимсаларнинг  
воқеъликларини тасвирлаб бермоқда.  
Ҳолбуки, қанча-қанча оғзини  
тўлдириб кулаётганлар борки, Аллоҳ  
уларга дарғазабдир. Аллоҳ бизга  
кифоядир ва У қандай яхши  
ёрдамчи!



ξ) Манманлик ва димоғдорлик,  
бошқаларга таҳқир ва камситиш  
билан боқиш

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръон  
Каримда бунга кўп мисоллар  
келтирди. Улардан бири Каҳф  
сурасидаги икки одамнинг  
ҳикоясидир. **Улардан бири  
бошқасига:** "Мен сендан кўра  
давлатмандман ва тарафдорларим  
кўпдир!"- деди" (Каҳф: ۳۴).

Ушбу ёмон хулқ ҳақида аллома  
Саффориний раҳимаҳуллоҳ шундай  
деди: "Бошқаларни мазах қиладиган  
киши ўзининг фазилатига розилик  
кўзи билан, бировнинг камчилигига

эса таҳқир кўзи билан боқади. Зеро бировга таҳқир кўзи билан боқмаган кимса, унинг устидан кулмас!"

("Ғизаул-албаб": ۱ / ۱۳۱).

"Биродарларига манманлик қилган, тенгдошлари ва биродарларидан бирини таҳқирлаган ёки мўъминлардан биронтасини масхара ёки истехзо қилган киши очик гуноҳни қилган бўлади." (Аввалги манба: ۱ / ۱۳۴).

Истехзо билан қоришган манманлик – Фиръавннинг ахлоқидандир. Аллоҳ таоло унинг Мусо алайҳиссалом ҳақида айтган сўзларини қуйидагича баён қилди: «Балки мен мана бу хор

бўлган ва (ўз мақсадини) очик баён қила олмайдиган кимсадан (яъни Мусодан) яхшироқдирман?!» (Зухруф: ۵۲).

Аллома ибн Касир раҳимаҳуллоҳ деди: "Фиръавн —Аллоҳ уни лаънат қилсин!, айтган сўз ёлғон ва тўқима. Уни бу сўзга ундаган нарса куфр ва ўжарлик, Мусо алайҳиссаломга бадбахтона куфр кўзи билан боқиши эди. Ҳолбуки, Мусо алайҳиссалом буюклик ва улуғликнинг оқилларни ҳайратга соладиган мақомида эдилар. Унинг: "Хор" деб айтган сўзи ёлғондир. Балки, унинг ўзи яралиш, хулқ ва дин нуқтаи назаридан хор, Мусо алайҳиссалом эса аслзода,

тўғри йўлдаги ва садоқатли етакчи эдилар" [17].

"Оддий ва ғофил халқ тасаввурида (оёқлари) остида дарёлар оқиб турган, Мисрнинг ҳукмдорлигига эга бўлган Фиръавн, ҳақ сўз, пайғамбарлик мақоми ва аламли азоблардан қутқарувчи даъват соҳиби бўлган Мусо алайҳиссаломдан яхшироқ бўлиши турган гап." [17]

Бошқалар ҳисобига ўзини кўрсатиш, риёкорлик ва одамлар оғзидан тушмасликни севиш — мазах қилувчи ва қалблари маразга тўлган инсонларнинг ахлоқидандир. Улар

мевалари ва кўринишларини бузиш учун дарахтларга чирмашган зараркунанда чирмовикқа ўхшайдилар.

Шунинг учун ҳам, манман ва ўзига бино қўйган инсонларнинг мусулмонлар устидан кулиш ва уларни мазах қилиш каби қаро қалблари ўралган ахлоқлар билан хулқланишлари, ҳайратомуз эмасдир.

○) Дин душманларига кўр-кўрона таклид қилиш

Бу – мозийда содир бўлган эди.

Аллоҳ таоло ундай инсонлар ҳақида шундай деди: «Худди шунингдек,

(яъни сизни сеҳргар, мажнун, шоир деганлари каби) улардан (яъни, Макка мушрикларидан) аввалги (кофир бўлган) кимсаларга бирон пайғамбар келганида, улар ҳам албатта (ўша пайғамбарни ё) сеҳргар, ёки мажнун, дер эдилар. ۵۳. Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ, (зотан улар бир-бирларидан йироқ замонларда ва маконларда яшаб ўтганлари сабабли ўзаро васият қилиш имконига эга эмаслар, лекин фақат бир нарса уларнинг барчаларини юқоридаги каби сўзларни айтишга мажбур этар) —

улар туғёнга тушган қавмдирлар!»  
(Зориёт: ۵۲, ۵۳).

"Гўё улар асрлар давомида  
(пайғамбарларни) шундай кутиб  
олиш учун бир-бирларига васият  
қилишгандек! Улар бир-бирларига  
бирор нарсани васият қилишган  
эмас. Балки бу аввалгилар ва  
кейингиларни бирлаштирадиган,  
зулм, ҳақ ва адолатга тажовуз  
қилишининг табиатидир!" [\[۱۸\]](#).

Бу тақлид, миялари айниган ва Ғарб  
маданиятига мафтун бўлган  
кимсалар ҳаётида, ҳозирги кунда ҳам  
содир бўлмоқда. Чунки, уларнинг  
ғарб маданиятининг алдамчи

"ялтироқлар" ига алданишлари, фикрларининг саёзлиги ва диний билимларининг озлиги уларни Аллоҳнинг дини, унинг ҳукмлари, ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари устидан кулишга ундамоқда. **Агар сиз бирон бир яҳудий ёки насронийнинг:** "Зинокорни тошбўрон қилиб жазолаш ваҳшийлик ва шафқатсизликдир!" - деб Аллоҳнинг шариатини мазах қилаётганини эшитсангиз ёки кўрсангиз, мусулмонлар ичида ушбу ҳақиқий душманга кўр-кўрона эргашиб, унинг сўзларини масхараомуз тарзда такрорлаётган инсонларни



топишингиз мумкин. Масалага яна ҳам равшанлик киритмоқчи бўлсангиз, Ғарб ихтиролари ва бошқа Ғарбга алоқали нарсаларга тақлид қилаётган "тўтилар"нинг уни мақтаб, ундан ҳайратланаётганларини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари, инсон ақлини ҳайратга соладиган мўъжизалари ва шаръий ишларни тилга олинса мазах қилиб, **устидан кулаётганини кўрасиз:** «Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ, улар туғёнга тушган қавмдирлар!». **Роббимиз бундай тақлидчиларнинг:** «Албатта бизлар ота-боболаримизни

бир миллат — дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашувчидирмиз»- деб айтганларини баён қилди (Зухруф: ۲۳).

۶) Пулни ва қандай кўринишда бўлмасин пул топишни яхши кўриш, гарчи у Аллоҳга кофир бўлишга олиб борса ҳам

Ҳозирги кунда бу ҳолатни одамларга ҳажвий (комедия) филм ва театрларини тақдим этиб, уларни кулдираётган "артист"лар ҳаётида кўришимиз мумкин. Улар бу ифлос ишни фақатгина пул топиш учунгина қиладилар! Бировлар устидан кулиб,

масхара қилиб бошқаларни кулдириш бугун ақли паст инсонлар тасаввурида фан, қаҳрамонлик ва юлдузликка айланди!! Бундан кўра ёмонроғи шуки, баъзи ақли инсонлар ҳам ўз мажлис ва ўтиришларида уларнинг сўзлари ва қилиқларини такрорламоқдалар!!

Менимча, булар мазах қилишга ундайдиган омилларнинг энг асосийларидир. Бироқ, бундан бошқа ишлар ҳам бўлиши мумкин, улар жиддий китобхонннинг назаридан четда қолмайди.

## УЧИНЧИ ФАСЛ:

Мазах қилиш Аллоҳ йўлига даъват қилиш тўсиқларидан биридир

Талайгина даъватчилар мазах ва масхара қилувчилардан шикоят қиладилар. Агар улар пайғамбарлар ҳаёти ҳақида тафаккур қилиб кўрсалар — улар Аллоҳ яратган энг шарафли бандалар бўлсаларда — улар устидан ҳам мазах қилиниб, кулинганини кўрадилар. Бу эса улар учун тасаллий бўлади. **Аллоҳ таоло деди:**

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз (сиздан илгари ўтган) ҳар бир пайғамбар учун (ҳам) жинойтчи кимсалардан мана шундай

душман(лар) қилганмиз.

Роббингизнинг Ўзи етарли Етакчи ва Ёрдамчидир». (Фурқон: ۳۱);

«Биз аввалгиларга ҳам қанча пайғамбар юборганмиз. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулган эдилар».

(Зухруф: ۶, ۷);

«(Аллоҳнинг элчиларини ёлғончи қилиб, уларга озор-азият етказадиган) бандаларга ҳасрат-надомат бўлгай! Уларга бирон пайғамбар келмас, магар улар унинг устидан масхара қилиб кулувчи бўладилар». (Ёсин: ۳۰).

Ўз қавмини тўққиз юз эллик йил даъват қилган Аллоҳнинг расули Нух алайҳиссалом ҳам қавми томонидан мазах ва истехзо қилинди. Қавми кема ясаётган Нух алайҳиссалом устидан кулиб, масхара қилганини Аллоҳ таоло шундай баён қилди: «У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмидан бўлган (кофир) кимсалар ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: «Агар (бугун) сизлар биздан кулсангизлар, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлар(нинг устингиз)дан куламиз».

۳۹. «Яқинда кимга шарманда қилгувчи азоб келишини ва кимнинг

устига мангу азоб тушишини билиб оласизлар». (Худ: ۳۸, ۳۹).

Аллоҳ таоло "Мўъминун"  
сурасининг ۲۴, ۲۵- оятларида  
уларнинг мана бу сўзларини зикр  
қилди: «(Шунда) унинг қавмидан  
кофир бўлган кимсалар: "Бу ҳам  
худди сизларга ўхшаган одам.  
(Фақат) сизлардан устун бўлиб  
олмоқчи. Агар Аллоҳ (пайғамбар  
юборишни) охоҳласа эди  
фаришталарни туширган бўлар эди.  
Бизлар бу (Нух айтаётган "Аллоҳ  
Якка-Ягонадир" деган сўз)ни аввалги  
ота-боболаримиздан эшитган  
эмасмиз. У (яъни Нух) фақат бир

жинни бўлган одамдир. Унга бир (оз) вақтгача кўз тутинглар». [۱۹]

Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳис-саломни Од қавмига пайғамбар қилиб юборди. Улар ҳам Ҳуд алайҳиссаломни мазах қилиб: «Сен бизга, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз сиғиниб ўтган бутларни тарк қилишимиз учун келдингми? У ҳолда, агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни (яъни Оллоҳнинг азобини) келтиргин-чи?» дедилар.» (Аъроф: ۷۰);



Улар дедилар: «Эй Худ, сен бизга (ўзингнинг пайғамбар эканлигингни тасдиқлайдиган) бирон ҳужжат келтирмадинг. Бизлар сенинг қуруқ гапинг билан ўз худоларимизни тарк қилгувчи эмасмиз. Ва бизлар сенга иймон келтиргувчилар эмасмиз.

**Бизлар фақат:** «Сени худоларимиздан бири, бир бало (яъни, мажнун) қилиб қўйган», деймиз, холос». (Худ: ۵۳, ۵۴).

Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳис-саломни Самуд қавмига юборди. **Улар ҳам айни ишни қилдилар:** «(Шунда) унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар бечораларига — уларнинг ораларидаги мўмин бўлган зотларга:

«Солиҳни Роббиси тарафидан юборилган пайғамбар деб биласизларми?» дейишди. Улар айтдилар: «Албатта, биз унинг воситасида юборилган нарсага (динга) иймон келтиргувчимиз». ۷۶-۷۷. Мутакаббир кимсалар эса: «Биз сизлар иймон келтирган динга кофирмиз», дейишдида, туяни сўйиб юборишди ва Роббиларининг амридан юз ўгиришди, кейин: «Эй Солиҳ, агар пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсангни (яъни Аллоҳнинг азобини) келтир-чи?» дейишди.» (Аъроф: ۷۵ – ۷۷).

Аллоҳ таоло Лут алайҳис-саломни ўз қавмига пайғамбар қилиб юборди.

Лут алайҳис-салом қавмини бесоқолбозлик ва хотинларни қўйиб эркаклар билан жинсий алоқада бўлишдан қайтарди: «Қавмнинг жавоби эса фақат мана бундан иборат бўлди: «Уларни (яъни Лут ва тобеъларини) қишлоғингиздан чиқариб юборинглар! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан». (Аъроф: ٨٢).

Намл сурасида эса: «Қавмининг жавоби эса фақат: "Лутнинг аҳли-тобеларини қишлоғингиздан (қувиб) чиқаринглар! Дарҳақиқат, улар жуда

"покиза" кишилардир», дейишлари бўлди.» (Намл: ۵۶).

Шуайб алайҳис-саломни ҳам қавми мазах ва истехзо билан кутиб олди. У эса сабр қилиб, савобни Аллоҳдангина умид қилди. Аллоҳ таоло у қавм ҳақида шундай деди: «Улар (масхара қилиб) дедилар: «Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизда ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда "кўнгилчан" ва "ҳалийм" ва

"рашид (тўғри йўлни топиб олган) кишисанда"!». (Худ: ٨٧).

Улар бу сўзларни истехзо, камситиш ва мазах қилиб айтар эдилар. [٢٠]

Аллоҳнинг пайғамбари Мусо алайҳис-салом даъватига ҳам Бану Исроил масхаралаш ва истехзо қилиш билан жавоб берди. Аллоҳ таоло деди: «Эсланг! Мусо ўз қавмига: «Оллоҳ бир сигир сўйишларингни буюрди», деганида, улар: «Устимиздан куляпсанми?» — дедилар. (Мусо) деди: «Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Оллоҳ паноҳ беришини сўрайман». (Бақара: ٦٧).

Ибн Атийя раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг: «Ундай жоҳиллардан бўлиб қолишдан Оллоҳ паноҳ беришини сўрайман» оятининг маъноси ҳақида: "У икки маънони ифодалайди деди:

Биринчиси: Аллоҳ таоло номидан истеҳзо билан хабар бериб жоҳил бўлишдан Аллоҳдан паноҳ сўраш.

Иккинчиси: Уларнинг Аллоҳ таоло номидан хабар бераётган одамга: «Устимиздан куляпсанми?», деб айтган сўзларида қилган жоҳилликларидек жоҳиллик қилишдан паноҳ сўраш". [۲۱]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга келсак, У зот юракларни эзиб юборадиган масхара ва истехзоларга дуч келдилар. Маккий даврда мушрик араб қабилалари, Маданий даврда эса мунофиқ ва яҳудийларнинг мазах ва истехзоларига йўлиқдилар. **Аллоҳ таоло деди:** «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачон кофир бўлган кимсалар сизни кўрсалар (бир-бирларига кўрсатиб): Сизларнинг илоҳларингизни айблайдиган кимса мана шуми?, (дейишиб) масхара қиладилар, холос. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари Роббингиз

эслатмаси — Қуръондан юз  
ўгирувчилардир.» (Анбиё: ۳۶)

Шайхулислом ибн Таймийя  
раҳимаҳуллоҳ деди: "Мушриклар  
— уларни ширкдан қайтарган  
пайтида Пайғамбар соллаллоҳу  
алайҳи ва салламни истеҳзо  
қилдилар. Қалбларига ўрнашган  
ширкнинг улканлигидан, мушриклар,  
ўзларини тавҳид-яккахудоликка  
чорлаган пайғамбарларни ҳақорат  
қилиб, уларни пасткашлик, залолат  
ва телбалик билан доимо айблаб  
келганлар. Шунингдек, сиз уларга  
ўхшаган баъзи инсонларни ўзларида  
бўлган ширк сабабли тавҳидга



даъват этаётган одамлар устидан кулаётганларини топасиз". [۲۲]

Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачон улар сизни кўрсалар: "Аллоҳ мана шуни Пайғамбар қилиб юбордими?! Агар сабр қилиб (маҳкам турмаганимизда) ҳақиқатан, у бизларни олиҳаларимиздан оздираёзди-я", деб сизни масхара қиладилар. Яқинда азобни кўрган вақтларида ким йўлдан озганроқ эканини билиб оладилар.» (Фурқон: ۴۱, ۴۲)

Ибн Исҳоқ раҳимаҳуллоҳ деди: "Қурайшликларнинг Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва  
Исломни қабул қилган одамларга  
нисбатан адовати шундай  
бахтиқароликка олиб бордики,  
ичларидаги тентак одамларни  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва  
салламга қарши гиж-гижладилар.  
Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
ва салламни ёлғончига чиқардилар,  
шоирлик, жодугарлик, фолбинлик ва  
телбалик билан айблаб озор  
бердилар. Пайғамбар соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам кунларнинг бирида  
Каъбани тавоф қилаётиб уларнинг  
олдидан ўтганларида баъзи сўзлар  
билан масхара қилдилар. Бундан  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг ғазабланганлари юзларида сезилди. Иккинчи марта ўтганларида ҳам масхара қилишди, учинчи марта ўтганларида ҳам бу иш такрорланганди, **ул зот тўхтадилар ва:** "Эй Қурайшликлар, сизлар мени эшитяпсизларми?! Жоним қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, мен сизларга сўйиш-ўлимни олиб келдим"- дедилар. Унинг сўзлари одамларга шундай таъсир қилдики, улардан биронтаси бошини кўтаролмай қолди "[۲۳].

Аллоҳ таоло уларнинг мазах ва истехзоларини қуйидаги сўзлари билан таърифлади: «Албатта кофир бўлган кимсалар эслатма-Қуръонни

эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзадилар ва (Муҳаммад) шак-шубҳасиз мажнундир, дерлар». (Қалам: ۝۱)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариат ва суннатига чақираётган даъватчилар ҳам мазах ва истехзоларга дуч келадилар. Бу – Қиёмат кунига қадар давом этадиган ишдир.

Шунинг учун ҳам, истехзо тўсиғи (довони) баъзи даъватчиларга зарба берса, бошқаларининг жасоратини сусайтиради, бошқасини ортга чекинтириб, даъват майдонидан четлатади. Баъзиларни эса, ҳақдаги

сабот, ислоҳотлар ва ботилга қарши кураш йўлида мустаҳкам давом этишини кучайтиради. Ислом Уммати охирги ҳолатдаги инсонларга муҳтождир. Бу (яъни, охирги ҳолат) Аллоҳнинг ҳақ динига қилинаётган даъватнинг озуқасидир. Чунки, бундай ҳолатнинг соҳиби пайғамбарлар ва расуллар сўзларига мурожаат қилиб (юқорида айтиб ўтилганидек), ўзини уларнинг вориси эканига аниқ ишонч ҳосил қилади. Ҳолбуки, пайғамбарлар эзгулик, тавҳидга чақириш, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш ва фасодни таг-томири билан йўқ қилиш даъватини мерос

қилиб қолдирганлар. Шунинг учун ҳам у, қалбига озор берсада, бу истехзо ва масхараларга эътибор бермайди ва озорларни Аллоҳ йўлига чорлаш мобайнида дуч келиниши лозим ва лобуд бўлган нарса эканини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у қилган тижоратида аниқ фойда қилгандир.

## ТҶРТИНЧИ ФАСЛ:

### Истехзо кўринишларидан намуналар

Истехзо ёки мазах қилувчи одамнинг ҳолатига қараб истехзо кўринишлари хилма-хил бўлади. Баъзида истехзо сўз билан бўлади. Бу ўтмишда ва

ҳозирда энг кўп қўлланган истехзо кўринишларидандир. Баъзида эса кўз ишораси, тилни чиқариш билан бўлса, гоҳида қўл ҳаракати билан бўлади.

Мазах кўринишининг турлари кўп бўлгани учун, [бу фаслни қуйидаги баҳсларга бўлдим:](#)

Биринчи баҳс: Аллоҳ таолони мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Иккинчи баҳс: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларни мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Учинчи баҳс: Ислом шариати ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Тўртинчи баҳс: Мўъминларни мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Мана сизга уларнинг баёни:

## **БИРИНЧИ БАҲС:**

### **Аллоҳ таолони мазах қилиш кўринишларидан намуналар**

Аллоҳ таолонинг Якка-Ёлғиз, Ҳожатбарор, туғмаган ва туғилмаган, ибтидосиз Аввал ва интиҳосиз Охир, буюк, жаббор, еру осмондаги бирон нарса уни ожиз қолдира олмайдиган



кучли ва қудратли экани, **Ислом** динининг бирламчи ва очик ҳақиқатларидан биридир: «Унга ўхшаш бирон нарса йўқ ва У Эшитувчи ва Кўрувчи Зотдир». (Шўро: '')

Бирок, кофирлар Аллоҳ таолони лойиқ бўлганидек қадрламадилар. Аллоҳ таолони истехзо ва масхара қилиш, уларнинг энг қабих куфрларидан биридир. —Аллоҳ бундан барчамизни сақласин. **Аллоҳ таолони мазах қилиш кўринишларидан баъзилари қуйидагилар:**

۱ – Даҳрий, моддапараст – атеист, материалистларнинг: "Илоҳ йўқ! Коинот материя (модда)дангина иборат. Табиат хоҳлаганини қилади, унинг махлуқлар устидаги қудрати чексиз", деб айтган сўзларидир. [۲۴]

Бу сўзларни араб тилида фасоҳат билан сўзлаётган бўлсада, ҳар бир марксист-моддапараст коммунист айтмоқда.

۲ – Араб тилида гапирадиган бир ҳовуч кимсалар даҳрий моддапарастлик фикри билан тарбия олдилар. (Ота-бобоси мусулмон бўлиб келган кўплаб ўзбеклар ҳам улардан кам бўлмадилар, тарж).

Улар "Ҳур шеърият" деб номлашган пуч сўзларни айтиб, бу Умматнинг ўзгармас ҳақиқатларини бузишга ҳаракат, Аллоҳни масхара ва истехзо қила бошладилар. Ҳатто, мисли кўрилмаган журъатларни қилдилар. Уларнинг ёзган сўзларини ўқир экансиз, баданларни жимирилатадиган очик куфр сўзларга дуч келасиз. Буларга қуйида баъзи мисолларни келтирамиз:

\* Уларнинг пешволаридан бўлган — юртимиздаги баъзи "тўтилар" "жадидчиларнинг пайғамбари" деб ҳисоблайдиган — Абдулазиз Муқолиҳ шундай дейди: "Аллоҳ жаллодлар кўлида кулга, кўрқинчга,

сукунатга, тасбиҳлар экиладиган экинзорга айланди.... Давлатманд саййидлар билан, Голливуддан келадиган саййидлар ўртасидаги саллаларга айланди. Аллоҳ қадимда муҳаббат эди. Кеча ичидаги кундуз эди. Қакраган ерларни яшил ёмғирлар билан ювадиган қўшиқ бўлганди" [۲۵].

Ў – Жадидчи шоир коммунистлардан бўлган Абдулваҳҳоб Байётий айтган сўзлар ҳам, [Аллоҳ таолони истехзо қилиш кўринишларидандир:](#)

"Аллоҳни шаҳримизда яҳудийлар сотади.

Аллоҳ шахримда қувғин,  
сарсондир...

Ғозийлар Уни мардикор ва етакчи  
шоир бўлишини хоҳладилар-ки,

Биттасининг гитарасида бандаларни  
алдаса..

Бироқ, у мубтало бўлди.

Чунки у, дала момақаймоқларини  
уларнинг чигирткаларидан ҳимоя  
қилишни хоҳлаганди" [۲۶].

Сиз Аллоҳни мазах ва истеҳзо қилиш  
учун истеъмол қилинган бундан кўра  
ёмонроқ куфр сўзларни  
эшитганмисиз?! Аллоҳ улар  
айтаётган сўзлардан покдир.

Ундан кейин, биласизми, бу  
зиндикнинг исми нима эди?  
Абдулваҳҳоб!

ξ – "Фикрий ахлатхона"нинг шоири  
Низор Қаббоний "Аллоҳнинг  
куёвлари" номли қасидасида  
нималар деганига қулоқ солинг:  
"Ловия, нўхот, тузлама, ва жаржир  
кўкатиинг қимматлиги ҳам  
Аллоҳнинг қилмишидан-ми?!" [\[۲۷\]](#).

Бошқа бир ўринда дейди:

"Илоҳо, агар сен ҳақиқий  
парвардигор эрсанг,

бизни ошиқларимиз бирла тарк  
эт!" [\[۲۸\]](#).

◦ - Бошқа бир етакчи коммунист жаидчи шоир Махмуд Дарвиш шундай дейди: "Улғайявер, Аллоҳнинг кўзи ва қораялоқ галаси ухлар экан!" [29].

7 – Ана шу коммунистларга жодуларни ўргатган уларнинг каттаси Бадр Шокир ас-Саййоб шундай деган: "Биз ҳаммамиз ўликмиз. Мен ҳам, Муҳаммад ҳам, Аллоҳ ҳам. Мана бизнинг қабримиз – харобага айланган дўнглик устига "Муҳаммад ва Аллоҳ" номи ёзилур". [30]

Яна давом этиб ушбу сўзларни ёзади: "Аллоҳ, модомики, уни ўлдирмас

эканмиз ва бирон кун очликдан уни  
еб қўймас эканмиз, қишлоғимизда  
боқий қолаверади [۳۱]!"

Аллоҳ таоло у айтган сўзлардан  
олий, бу куфр ва камситишлардан  
муназзаҳдир!!

Бу мисоллар ушбу даҳрийлар  
вайсаётган кўп нарсадан баъзилари,  
холос. Ажабланарлиси шундаки,  
улар мана шундан кейин ҳам  
олқишланиб, обрў топмоқдалар!!  
Бироқ, сиз эҳтиёт бўлинг! Чунки,  
**Аллоҳ таоло:** «Сизлардан ким уларга  
дўст бўлса, бас, у ўшалардандир»,  
деди. (Моида: ۵۱)

**ИККИНЧИ БАҲС:**



## Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларни мазах қилиш кўринишлари

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрини баланд қилди, унга итоат қилишга амр этиб, **деди:**

«Пайғамбар сизларга олиб келган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар». (Ҳашр: ۷);

«Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилинглар, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (**яъни мусулмон**) ҳокимларга

бўйсунинглар! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтаринглар! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир». (Нисо: ۵۹);

«Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар». (Нисо: ۶۵)

Ушбу улуғ пайғамбарни — Аллоҳ унга салавоту саломлар йўлласин — мазах ва истехзо қилиш асло мумкин эмас. Ким шу ишни қилса Аллоҳга кофир бўлади ва Ислом Уммати сафидан чиқади.

Мана сизга, **Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам устидан мазах қилиш кўринишларидан баъзилари:**

۱ – Мусулмонларга очлик, чанқоқлик ва йўл машаққатларидан анчагинаси етган Табук жанггида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир неча одам мазах қилди. **Етти қат осмон устидан бу мазах қилувчи кимсаларнинг кофир эканлигини**

Элон қилган оятлар нозил бўлди:  
«Қасамки, агар улардан (нега  
сизнинг устингиздан кулганлари  
ҳақида) сўрасангиз, улар: "Биз фақат  
бахслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз,  
холос", дейдилар. Айтинг: "Сизлар  
Аллоҳ, Унинг оятлари ва расули  
устидан кулаяпсизларми? Узр  
айтманглар! Сизлар иймон  
келтирганингиздан сўнг яна куфрга  
қайтдингиз!" Агар сизлардан бир  
тоифани афв қилсак, бошқа бир  
тоифани жиноятчи бўлганликлари  
сабабли азоблаймиз». (Тавба: 70, 71)

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаблари  
ҳақида Муҳаммад ибн Каъб ал-  
Қуразий ва бошқалардан ривоятлар

нақл қилинди. Улар айтдилар:

"Мунофиқлардан бири: "Мен қориларимиздан кўра қориннини ўйлайдиган, ёлғончи ва кўрқоқ бўлган одамларни кўрмадим!" - деди. Бу гап Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб келди. Бу сўзларни айтган мунофиқ туясига миниб, йўлга отланган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдига келиб: "Ё расулуллоҳ, биз бахслашиб, ҳазиллашаётган эдик", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизлар Аллоҳ, Унинг оятлари ва расули устидан кулаяпсизларми?" оятини " .... азоблаймиз." гача ўқидилар.

Мунофик, туянинг қоринбоғига осилиб, оёқлари тошларни суриб кетар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса унга қиё ҳам боқиб қўймас эдилар" [۳۲].

Қатода раҳимаҳуллоҳ деди:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук жанггида экан, баъзи мунофиклар: "Бу одам Шомнинг қаср ва саройларини фатҳ қилишни умид қиляптими? У тушини сувга айтсин!"- дейишди. Аллоҳ таоло буни пайғамбарига билдирди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Фалон гуруҳни тўхтатинг"- дедилар, сўнгра уларнинг олдига бориб дедилар:

"Шундай-шундай деган сизларми?"

**Улар:** "Биз баҳслашиб, ҳазиллаётган эдик"- дедилар. Ўша пайтда Аллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилди". [۳۳]

Ибн Исҳоқ айтди: Мунофиқлардан бир жамоаси — улар ичида Амр ибн Авф ибн Умайя ибн Зайд уруғидан бўлган Вадиа ибн Собит ва Бани Саламанинг иттифоқчиси Ашжаъ қабиласидан Махший ибн Хумаййир бор эди — Табук сари отланган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ишора қилиб, мусулмонлар қалбига қўрқув солиш учун бир-бирларига дедилар: "Сизлар оқ қулоқларнинг жаллодларини бир-

бирларини ўлдираётган араблар каби деб ўйлайсизларми? Аллоҳ номига қасамки, эртага сизлар арқонларга боғланган ҳолда бўласиз деб ўйлаймиз! Махший ибн Ҳумаййир деди: "Ҳар биримизга юз дарра урилишига ҳукм қилинишини орзу қилдим. Сизларнинг шу айтган сўзларингиз сабабли Қуръон оятлари нозил бўлишидан қочиб қутула олмаймиз".

Ибн Исҳоқ айтади: Менга етиб келган хабарга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳуга дедилар: "Уларга тез етиб бор. Улар куйиб бўлдилар. Улардан айтган



сўзлари ҳақида сўра. Агар инкор этсалар, "Инкор қилманглар! сизлар шундай-шундай дединглар!" - деб айт. Аммор розияллоҳу анҳу уларнинг олдига бориб, юқоридаги сўзларни айтди. Улар бу сўзларни эшитганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига узр сўраб келдилар. **Вадиа ибн Собит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минган туянинг ёпқичига осилиб:** "Ё Расулуллоҳ, биз баҳслашиб, ҳазиллашаётган эдик" деди. **Шу пайт Аллоҳ азза ва жалла ушбу оятни нозил қилди:** «Агар улардан (нега сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида) сўрасангиз, улар:

"Биз фақат бахслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос", дейдилар».

Махший ибн Ҳумаййир разияллоҳу анҳу ушбу оятда афв қилинганлардан эди. У: "Ё Расулуллоҳ, отамнинг ва менинг исмим мени ўтқизиб қўйди, менинг ва отамнинг исмини ўзгартиринг" - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга "Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон" деб исм қўйдилар. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолога дуо қилиб, шаҳид бўлиб ўлиш ва жасаидан асар ҳам қолмаслигини сўради. У Ямома жанггида ўлдирилди ва унинг жасаидан асар ҳам топилмади". [۳۴]

Қиссадан ҳисса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар устидан мазах қилган кимсаларнинг жиҳодага чиқишлари ҳам уларнинг кечирилишларига сабаб бўла олмади.

۷ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мазах қилиш кўринишларидан бири яна Табук ғазотига кетишда содир бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяси адашиб кетиб қолди, шунда мунофиқлардан бири бўлган Зайд ибн Лусайт исмли киши Расулуллоҳни мазах қилиб: "У пайғамбарман деб, даъво қилмайдими? Сизларга осмондан

хабар келтирмайдими? Наҳотки, бу одам ўзининг туяси қаерда эканини билмаса?!"- деди. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Бир одам шундай дебди, дедилар-да, айнан унинг сўзларини такрорладилар. Мен Аллоҳга қасамки, Аллоҳ билдирган ва хабар берган нарсаларнигина биламан. Аллоҳ менга туям қаердалигини билдирди. У водий ичидаги фалон дарададир. Унинг жилови дарахтга ўралашиб қолган. Бориб, уни менга олиб келинглар. Улар бориб, туяни олиб келдилар. [\[۳۵\]](#)

۳ – Бизга замондош бўлган истехзочилар оғзидан ҳам,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши, баданларни жимирилатадиган куфр ва даҳрийлик сўзлари чиқмоқда. Улардан бири, таъбир жоиз бўлса, "жадидчилик шоирлари" деб аталган кимсалар бўлиб, ғарб ва шарқдаги кофир оқимлар олиб келган куфрий бошбошдоқлик билан суғорилган фикрларга қурбон бўлганлар.

Улар ўз орамиздан чиққан, исмлари ҳам ўз исмларимиздан бўлишига қарамай, динимизга ҳақиқий душманларимиздан кўра каттиқроқ душман бўлган кимсалардир. Мана бу "шоирбачча" Муҳаммад Жабр ал-

Ҳарбий шундай деди, **унинг айтганлари нақадар ёмон :**

Саҳромизни қоплади

Кечаларнинг зулмати.

Урфимизни қоплади

Ҳошимийнинг зарлари! [\[36\]](#)

Айтингчи, бу Умматни жаҳолат қоронғулигидан Ислом нурига олиб чиққан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа Ҳошимий бормидики, бу аблаҳ валақлаб, динимизни "зулмат" ва "кеча" деб атамоқда?!

ξ - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мазах қилиш кўринишларидан бири, машҳур ҳажвчи рассом-карикатурачи Салоҳ Жоҳин "ал-Аҳром" рўзномасида элон қилган расмдир. У ўз бармоқлари билан қоқликка рамз бўлиши учун эшакка тескари ўтирган бир саҳровий кишини чизган ва у билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ишора қилган.

Суратнинг таг рангги-фонида эса, бир хўроз ва тўққиз макиён акс эттирилган бўлиб, сурат остига "Муҳаммад Афанди тўққиз хотиннинг эри" - деб ном қўйилган<sup>[34]</sup>. Бу Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши қаттиқ ҳужум ва ўта қабих мазахдир!

○ - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати устидан мазах қилиш кўринишларидан бири, Муҳаммад Ғаззолий ўз китобида "Ўзларига хотинларни бошлиқ қилган халқ ҳаргиз нажот топмас!" ҳадисини келтирган. У мазкур ҳадис устидан кулиб, Билқис, Виктория, Индира Ганди ва Голд Маер каби аёлларнинг ўз халқларини муваффақиятларга олиб чиққани ва бошқа нарсаларни айтади. [۳۸]

Ҳолбуки, ушбу ҳадис имом



Бухорийнинг "Саҳиҳ" китобида ривоят қилинган.

۶ - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динни етказган кишилар устидан кулиш -

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари устидан кулиш, демакдир. Бунга "ғўр шоирбаччалар"дан бирининг "Бизга омадсиз омадсиздан, у эса жоҳилдан ҳадис айтди!" [۳۹] дея ёзган масхаромуз сўзлари мисол бўлади.

Унинг ўртоғи эса: "Бизга шайх Имом Солиҳ ибн Абдулҳайдан, у эса Саййид ибн Дарвишдан, у эса

отасидан, отаси бобосидан ҳадис ривоят қилди!" [۴۰] демокда.

Бу - динни авлодларга етказиб берадиган уламолар - ҳадисларнинг ровийларига нисбатан ҳаёсизларча қилинган журъатдир. Ҳолбуки, ривоят ва ровийларни текшириш илмининг шарафига бошқа дин аҳллари сазовор бўла олмадилар. Шундай бўлсада, бу хусусият даҳрий ва эрмакчилар олдига ёзилган мазах дастурхони бўлиб қолди.

۷ – Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу хипча болдир эдилар. Кунларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам учун Арок бутасидан мисвок олиш учун чиққан эди, шамол дарахтни у ён бу ёнга қаттиқ кимирлатарди. Шунда унинг хипча болдирлари кўриниб қолди, буни кўрган саҳобалар кулдилар.

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** "Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, бу икки болдир Аллоҳнинг мезонида Уҳуд тоғидан ҳам оғирроқдир" - дедилар. [\[۴۱\]](#)

^ – Мана бу истехзочи ёзувчи эса **Абу Зарр ал-Ғифорий устидан кулмоқда:** "Одил Абу Зарр ал-Ғифорий каби имомдирки, ёлғиз юради, ёлғиз ўлади ва қиёмат кунида ҳам ёлғиз қайта тирилади!" [\[۴۲\]](#).

Бузуқ маданият, пасткашлик ва ахлоқий бузуқлик рамзларидан бири (яъни, Одил, унинг ким бўлганлиги зикр қилинмаган, тарж.)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пок саҳобаларига ўхшатишмоқда!!

## УЧИНЧИ БАҲС:

Ислом шариати ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини мазах қилиш кўринишларидан намуналар.

Аллооҳ таоло айтди: «Кофир бўлган кимсалар эса ботил (ҳужжатлар) билан талашиб-тортишиб, унинг ёрдамида Ҳақни енгмоқчи бўладилар

ҳамда Менинг оятларимни ва ўзлари огохлантирилган нарсани (яъни, охират азобини) масхара қилиб куладилар.» (Каҳф: ٥٦)

Уламолар Аллоҳнинг ояти ва шариатини масхара қилиш инкор қилиш турларининг энг ашаддийларидан бири эканини айтиб ўтганлар. [٤٣]

Аллоҳ таоло айтди: «Балки сиз (уларнинг қайта тирилишини инкор қилаётганларидан) таажжубдадирсиз, (аммо) улар (сизнинг охират ҳаёти ҳақидаги сўзларингизни) масхара қиладилар. Уларга (Қуръон билан) панд-насихат

қилинса, панд-насихатни олмаслар.  
(Сизнинг ҳақ пайғамбар  
эканлигингизга далолат қиладиган)  
бирон оят-мўъжизани кўрсалар,  
(дарҳол иймон келтириш ўрнига)  
янада зиёдароқ масхара қиладилар».  
(Соффот: ۱۲ – ۱۴)

Бугунги кундаги Аллоҳнинг дини,  
шариати ва Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг суннатини  
мазах қилиш ва улар устидан кулиш,  
пешонасида икки кўзи бор ҳар бир  
инсонга аниқ кўриниб турган аччиқ  
ҳақиқатлардан биридир. Мен —  
бутун қиладиган иши Аллоҳнинг  
диниға қарши курашиш ва уни йўқ  
қилиб ташлашға интиладиган ушбу

шармисор кўринишга бир неча мисолларини келтираман:

1 – Аҳли суннат ва жамоат этикодидан бўлган Роббимизнинг Аршга кўтарилиши, Самоуд-Дунёга тушиши, ғазабланиши, рози бўлиши, икки кўлининг борлиги ва булардан бошқа Роббимиз учун собит бўлган сифатларни масхара қилиш.

Сиз аҳли суннат йўлига қарши чиққан ҳар бир бидъатчининг ушбу сифатларни Аллоҳ учун лойиқ бўлган суратда тасдиқлаётган одамларни мазах қилаётганини кўрасиз. Мазкур сифатларни таъвил қилаётганлар истехзо ва

масхараларнинг масъулиятини ўз зиммаларига оладилар. Чунки, улар Аллоҳ ва расулининг хатоларини топган кимса мақомидадирлар. Йўқса, мутавотир ҳадислар жумласидан бўлган Аллоҳ таолонинг (Самоуд-Дунёга) тушиши ҳақидаги ҳадисни инкор этишларининг маъноси нима?! Бундан ташқари улар, бу сифатларни мазах қилиб, махлуқлар сифатини Холиқ сифатлари билан қиёслайдилар!! Аллоҳ уларнинг бу таъвилларидан пок ва олийдир!!

۲ – Исломий шариат билан ҳукм қилишни мазах қилиш ва уни қолоқ ва ақидапарастлар шариати ҳамда



унда ваҳшийлик бор, **деб айблаш:**  
"Ахир нега ўғрининг қўли кесилсин  
ва нега турмуш кўрган зоний  
тошбўрон қилиб ўлдирилсин?!".

Бу ҳақда даъватчи шайх  
Абдурроҳман ад-**Давсарий**  
**раҳимаҳуллоҳ шундай дейди:** "Бу –  
Улуғ Аллоҳни ҳақорат қилиш, Унинг  
исмларидаги даҳрийлик, ўзларнинг  
режа ва фикрларини Аллоҳнинг  
ҳукми ва муродидан афзал  
кўришларидир. Уларнинг бу  
сўзларида Аллоҳ таолонинг барча  
нарсани қамровчи илмини инкор  
этиш ва Унинг ҳикмати ва  
раҳматини қоралаш мавжуд. Шунинг  
учун ҳам улар Аллоҳ таолони ҳар

замонда одамларнинг аҳволини тузатадиган нарсаларни Билувчи ва уларга аҳволларини ислоҳ қиладиган нарсаларни қонунлаштирадиган Ҳаким деб билмадилар. Балки мунофиқларнинг меросхўрлари бизнинг замонда ҳам давом этиб, Аллоҳнинг ҳукмлари башариятга муносиб келмайдиган шафқатсиз. Уларнинг бу сўзлари Аллоҳ Меҳрибон эмас, чунки унинг шариати ҳикмат ва раҳматга эмас, мантиқсизлик ва шафқатсизликка асосланган деган маънони тақозо қилади. Улар мунофиқликнинг энг тубан даражасига етиб келдилар". [۴۴]

Шариатни татбиқ қилишдан бундай талвасага тушиш ва унинг ортидан келган секуляристлар тарафидан шариатни мазах қилиш, **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ислом динини олиб келганларида**

**Қурайшнинг:** "Агар Сен билан бирга ҳидоятга эргашсак, ўз еримизда ўғирланамиз-ку?!" - деб айтган сўзларни ёдимизга солади. [\[۴۵\]](#)

Бугунги кунда шариат билан ҳукм қилишга қарши бўлаётган секуляристларнинг мантиқлари Фиръавн мантиқининг айнан ўзидир. Чунки У, Мусо алайҳис-**салом олиб келган ҳақ диндан халқини огоҳлантириб:** «Мен (**Мусонинг**)

динларингизни ўзгартиши ёки Ер юзида фасод ёйишидан қўрқаман!» деган эди. (Ғофир: ۲۶)

Бу – ҳар бир замон ва маконда яшаган Аллоҳ ва Унинг динига душман бўлган кимсаларнинг мантиқидир. Аллоҳ таоло деди: «Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ, — улар туғёнга тушган қавмдирлар!» (Зориёт: ۵۳)

Ў – Аллоҳ душманларидаги бу қўрқинчга Аллоҳнинг шариатини ҳаётга татбиқ қилишни талаб қилаётган диндорларни мазах қилувчи суратларни ёйишлари яққол

далилдир. Шулардан бирини "Рузул-Юсуф" рўзномаси чоп этди. Бу карикатурада соқоли ўта узун ёш йигит масжид минорасига чиқиб азон айтаётгани тасвирланган. У: "Ҳайя алал-фалаҳ!" (Нажотга шошилинглар!) жумласи ўрнига: "Ҳайя алас-силаҳ!" (Қурол-аслаҳага шошилинглар!) демоқда!!... Уни яна бошқа ҳолатда ҳам тасвирлаган, унда бир хуфёна қўл унинг бошига кассета-тасма жойламоқда, оғзида эса тўпсонча!! ("Рузул-Юсуф", ۳۳۲۲ сони).

Шундай қилиб, сиз, ушбу аччиқ мазахлар Ер курраси муҳтож бўлиб турган муборак исломий

уйғониш (бу неъмат учун Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!) ёшларига қаратилган кураш эканини кўрасиз.

Шунинг учун ҳам, аллома Абдулазиз ибн Боз раҳимахуллоҳ ушбу мавзу ҳақида қуйидаги фатвони берган "Ислом дини ёки Ислом динидан бўлган бирон нарсани мазах қилиш — катта куфрдир. ...Ислом аҳли ва намзоларини мудом ўқиётган одамлар устидан, динлари ва динларига риоя қилганлари учун кулган одам, динни мазах қилувчилар қаторига киради. Ундай одамлар билан дўстлашиш ва бир даврада ўтириш мумкин эмас. Балки, уларни бу қилмишларидан қайтариш

ҳамда улар билан дўстлашиш ва уларга яқин бўлишдан огоҳлантириш керак. Шундай қилиб Исломий масалаларни масхара ва истехзо қилишга киришган одам кофир бўлади. [۴۶]

ξ – Намозни мазах қилиш

Аллоҳ таоло деди: «Сизлар қачон намозга чақирсангиз (азон айтсангиз), улар ўша (намозни) масхара ўйин қилиб оладилар. Бунга сабаб уларнинг ақлсиз — жоҳил қавм эканликларидир.» (Моида: ۵۸).

Биз намоз ва намозхонларни мазах қилганларнинг қанча-қанча сўзларини эшитганмиз. Мана бу

**аҳмоқ мазахчи:** "Ҳой намзохонлар, агар жаннатга кетадиган бўлсангизлар, бизларни ҳам бирга олиб кетинглар!" дейди. Анави худбин мазахчи эса, мусулмон хизматчидан кофир хизматчини афзал билиб олиб келади-**да:** "Агар мусулмонни олиб келсак намози билан бизнинг вақтимизни олар ва ишимизни қолдирар эди!!", деб димоғдорлик қилмоқда.

ξ – Муслима аёлнинг ҳижобини мазах қилиш

Бу – мазахнинг энг кўп тарқалган кўринишидир. Бу – ҳижоб ва ҳижобли хотин-қизларга қарши



очилган оловли жангдир. Бу ифлос жангни шахвоний майилликларга берилган, қулбозорларда одамларнинг номуслари билан тижорат қиладиган лўттибозлар бошқармоқдалар. Амина ас-Саид (исмли аёл): "Зиёли қизларнинг тирик бўла туриб мурдаларнинг кафаналарини кийиб юришларига ҳайронман!!"- дейди. Хайф сенга Амина исми! [۴۷]

Жадидичи секулярист адиб Аҳмад Абдулмуътий Ҳижозий айтади: "Аёлларнинг очик-сочик юришларининг ёмонликлари бор, бироқ, бу уларнинг ҳижоб ва чиммат ичида юришларидаги ёмонликлар

олдида ҳолвадир. Ҳижобга қайтишга даъват этаётган одам гўё бизни туя, эшак ва хачирларни минишга чорлаётган одамга ўхшайди, мана шу қоқлик асрларининг мантиғидир". [۴۸]

\* Абу Лаҳабнинг хотини Умм Жамилни доимо ҳимоя қилиши билан шуҳрат қозонган замонавий адиблардан Муҳаммад Жабр ла-  
**Ҳарбийнинг сўзларига қулоқ тутинг:**  
"Хотин-қизлар "Таббат" (сураси **нозил бўлгани**)дан буён бир хил ҳолатдадирлар. Ҳатто чиммат чикгунига қадар ҳам бир хил эди, улар сотиш учун олинади, сотилади,

кейин яна сотиш учун сотиб  
олинади". [49]

\* Улардан бирининг мактабдаги  
ҳижобли қизлар ҳақида: "театр ва  
аукцион", "қора шишалар" деб сўз  
юритиши мазах ва масхаралашда  
юқоридагиларидан қолишмайди.  
Уларнинг кўчага ҳижоб билан  
чиқишларини: "Мудҳиш театр!" ва  
ўзларини эса "сотиладиган  
матохлар!", деб айтмоқда. [50]

Аёлнинг қутурган бўри галасига  
қулай ўлжа бўлиши ва ўзларининг  
оғуларини ёйиш ҳамда муслима  
аёлнинг ҳижобини қоралаш учун  
секуляристлар муҳим оммавий

ахборот воситалари орқали шундай ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг натжасида фазилат ва иффат йўқолади, ҳаёсизлик, зино ва разолат ботқоғига ботиш кўпайиб боради, охир оқибат эса, ахлоқи, қадриятлари ва динини сақлаб келаётган бу жамият, шахвоний қутуриш, оиланинг бузилиши ва фазилат ҳамда иффатга қарши курашиш зуғумидан азоб чекаётган ғарбий жамиятга айланади.

۶ – Муҳаммад Ғаззолийнинг мазах ва масхаралари ҳам шариат ҳукмлари устидан мазах қилишга киради. **У бир ерда:** "Аҳли Ҳадис аёл киши учун бериладиган хун пулининг

эркакникининг ярмига тенг дейдилар. Бу – моҳир Ислом фақиҳлари рад этган фикрий ва хулқий разилликдир!", деб айтган. [51]

Бироқ бу — ҳофиз ибн Мунзир ва бошқа илм аҳллари нақл қилган, Ислом Уммати иттифоқ қилган масала эканлиги мана бу мазахчининг ёдидан чиқиб қолганга ўхшайди. [52]

У – Соқолни мазах қилиш.  
Мазахчиларнинг энг кўп қилган масхаралари мана шу бўлса ажаб эмас. Бошқача қилиб айтсак, исломий уйғониш сафида бўлган

кўпсонли ёшлар бу мазахдан ўз  
насибаларини олганлар. **Хатто соқол  
хақида:** "Агар соқолда яхшилик  
бўлсайди авратдан чикмас эди!" - деб  
айтилган журъатли сўзларни ҳам  
эшитганмиз!!

Аллоҳ таоло айтади: «Эй инсон,  
нима сени улуғ Парвардигоринг  
хақида (**Унга ибодат қилмасанг ҳам  
бўлаверади, деб**) алдаб қўйди?! У  
сени яратиб, сўнг (**барча  
аъзоларингни**) тиклаб, сўнг  
(**қоматингни ҳам**) расо қилиб, қўйган  
зот-ку! У сени Ўзи қай суратни  
хоҳлаган бўлса (**ўша сурат —  
шаклда**) таркиб топтирди — ижод  
қилди-ку! (**Инфитор: ٦ – ٨**).

\* Эй, соқол устидан кулиб  
масхараловчи! Сен бу соқолни  
эркаклар учун шундай имтиёзли  
шаклда Аллоҳ таоло яратиб  
қўйганини билмайсанми?!!

\* Эй масхарабоз, сен— расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва саллам  
вожиблигини баён қилган ва уни  
юлишнинг бадали бир эркакнинг хун  
пули бўлган соқол қўйишни масхара  
қиласанми?!! Соқол мусулмонча  
эркаклик аломатларидан биридир!  
Ҳолбуки, **расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам шундай деганлар:**  
"Мушрикларга хилоф иш  
тутинглар: мўйлабларни

қисқартинглар, соқолларни тўла қўйинглар!". [۵۳]

\* Шайх Муҳаммад ибн Иброҳим Ол Шайх раҳимаҳуллоҳ: ""Соқол ифлос нарсадир", деган одам муртад бўладими?!" деб берилган саволга: "Унинг бир неч қирралари бор. Агар у одам расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу нарса собит эканини била туриб айтган бўлса, бу – расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарса устидан кулиш бўлиб, муртадлик ҳукмини берса бўлади"- деб жавоб берди. [۵۴]



^ – Аллоҳнинг ҳукмлари устидан мазах қилиш кўринишларидан бири, кўпхотинлик устидан кулишдир. Бу офат Ислом умматига даюсликка рухсат бериб, кўпхотинликни таъқиқлайдиган ва эру-хотиннинг ҳар бири учун ўнлаб ўйнашларга катта йўл очиб берадиган авруполикларга аралашиш оқибатида кириб келди. Шунинг учун ҳам кўпхотинлик, ғарбпарастлар назарида кечирилмас жинойтга айланди. Зино, ҳамма нарса мумкин деб ҳисобланадиган ўлкаларга фасод ва ахлоқсизлик учун сафарга чиқиш эса "тараққиёт", "саёҳат" ва "кўнгил очиш" бўлиб қолди. Кўпхотинлик

устидан кулишнинг мисолларидан бири, икки хотинга уйланган ва ақлдан озиб, саҳрога чиқиб кетиб, уйига қайтмаган бир одамнинг ҳаёти акс эттирилган филмни намойиш қилишдир. [۵۵]

Бундан ташқари аввалги саҳифаларда мазахчи Салоҳ Жоҳиннинг: "Муҳаммад афанди тўққиз хотиннинг эри!" - деб айтган масхаромуз сўзини зикр қилган эдик.

۹ – Аллоҳнинг ҳукмларини мазах қилишнинг турларидан бири шайхулислом ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳнинг баъзи бидъатчилардан нақл қилган

нарсалардир: "Уларнинг айримлари ўзи ихлос қилган ва эргашаётган шайхидан унинг қабри олдида ёки қабридан бошқа ерда ёрдам сўрашни ўзига нисбатан саҳар пайти масжидда дуо қилишдан кўра фойдалироқ, деб ўйлайди ва уни бу йўлдан тавҳид томон бурмоқчи бўлган одам устидан кулади.

Уларнинг кўпчилиги масжидларни харобага айлантириб, сағаналарни обод қиладилар! Бу – уларнинг Аллоҳ, Унинг оятлари ҳамда расулини камситиш ва ширкни улуғлашлари эмасми?! Уларнинг баъзилари бирон бир байтни эшитса Қуръон оятларини эшитган пайтида

ҳис этмайдиган тавозе ва кўрқувни ҳис қилади. Балки улар Қуръон оятларини ўзлари учун оғир кўриб, уни ва тиловат қилувчи қориларни масхара қиладилар. Бу билан уларда Аллоҳ таолонинг ушбу оятларидаги маъноларидан улуш ҳосил бўлади: "Айтинг: "Сизлар Аллоҳ, Унинг оятлари ва расули устидан куляяпсизларми?!" (Тавба: 70).

۱۰ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийиниш, ейиш, ўнг томондан бошлаш, мисвок ва бошқа суннатлари устидан кулиш ҳам бор. Улар кўп бўлганидан санаб чиқиш ҳам қийин.

## ТҶРТИНЧИ БАҲС:

### Мўминларни мазах қилиш

Одамалар ўртасидаги шарафи ва мартабаси сабабли озорланмаган биргина одам бўлсайди, у расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи саллам бўлар эдилар! Бироқ, саралаш учун мўмин ва мўминалар балоимтоҳонларга дучор бўладилар. Мазах қилувчиларнинг мўминлардан иймонлари сабабли интиқом олаётганликлари маълумдир. **Аллоҳ таоло айтди:** «Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар Азиз ва Ҳамид бўлган Оллоҳга — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган

зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар!» (Буруж: ʌ)

\* Аллоҳ таоло ўзининг азиз Китобида мўминларни мазах қилувчи кимсаларнинг мўминларга бўлган муносабатларини очиқ баён қилди: «Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё чиройли қилинди. Улар иймон келтирганларнинг устларидан куладилар. Ҳолбуки, Қиёмат Кунисида тақводор зотлар улардан баланддир. Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради.» (Бақара: ʃ ʃ ʃ)

Мазах қилиш хунук ишлардан бўлгани учун ҳам, [Аллоҳ таоло мазах](#)

қилувчиларни "жиноятчилар" деб атади: «Дарвоқе жинояткор — кофир кимсалар иймон келтирган зотлардан (масхара қилиб) кулувчи бўлдилар.

۳۰. Қачон (мўминлар) уларнинг олдидан ўтсалар улар бир-бирларига кўз қисишиб имо-ишоралар қилардилар.

۳۱. Қачон уйларига қайтсалар (мўминларни масхара қилиб озор берганларидан)

роҳатланиб қайтардилар. ۳۲. Қачон

(мўминларни) кўрсалар «Ана улар шак-шубҳасиз йўлдан озувчи кимсалардир», дердилар. ۳۳.

Ҳолбуки, улар (мўминларнинг)

устига қўриқчи қилиб юборилган

эмасдилар.» (Мутоффибийн: ۲۹-۳۳)

Ҳар бир жиноятчи муваҳҳидларга қарши кўз қисиб, имо-ишора қилади ва уларга истехзо билан қарайди. Уларнинг бу қилмишларидан Аллоҳ таолонинг ҳидояти насиб қилган, динини маҳкам тутган кўплаб ёш йигит-қизлар шикоят қиладилар. Улар доимо мазах ва истехзолардан шикоят қиладилар. Улар сабр қилсинлар! Чунки, оқибат тақволиларникидир. Улар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларини тааммул қилсинлар: «Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақотлар қилувчи кишиларни ва (инфоқ-эхон қилиш учун) кучлари етган нарсани топиб келган кишиларни айблаб, масхара



қиладиган кимсаларни Аллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир.» (Тавба: ۷۹)

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: "Бу ҳам мунофиқлар сифатларининг бири. Уларнинг айблаш ва мазахларидан ҳар қандай ҳолатда қутилиб бўлмайди. Ҳатто садақа қилганлар ҳам улардан қутула олмадилар! Улардан бирортаси кўпроқ молни олиб келса: “Бу – риёкорликдир”, оз нарсани садақа қилса: “Аллоҳ унинг бу садақасидан беҳожатдир!”- дейдилар. [۵۶]

Биз сизга бугунги кунда одамлар ўртасида ёйилган мўминлар устидан

кулишнинг баъзи кўринишларини баён қиламиз:

۱ – Эзгу ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадиган кишилар жумласидан бўлган одамлар устидан кулиш

Улар Аллоҳ таоло зикр қилган Ислом умматининг нима сабабдан яхши уммат бўлганини ҳис қилган одамлардир. **Аллоҳ таоло айтди:** «(Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга

иймон келтирасиз.» (Оли Имрон:  
۱۱۰)

Улар Аллоҳ Ислом умматига фарз қилган ушбу амални бажариш ва мусулмонлар тинчлигини сақлаш учун, бу катта ва шарафли вазифани амалга ошириш учун ҳаракат қиладилар. Шундай бўлишига қарамай, пасткаш инсонлар улар устидан куладилар, уларга тухматлар ва ёлғонларни ёпиштирадилар.

Аҳмад Жоруллоҳ айтган сўзлар бунга мисол бўла олади: "Дин номи билан машинангни тўхтатадилар ва хотининг ўз хотининг эканини исботлашингни талаб қиладилар!! Хотинингдан эса сенинг хотининг

эканини исботлаш учун охирги фарзандингнинг исмини ёки ётоқхонанинг шаклини ёхуд хожатхона деворларининг ранггини, сен ишлатадиган қоғоз сочиқларнинг маркасини сўрайдилар!!"

Аҳмад Жоруллоҳ гина-адоватини куйидаги сўзлар билан ифодалайди: “Кунларнинг бирида эчки соқол биттаси тўхтатиб: “Сен нимага диндорлар ҳақида гапираяпсан” деса бўладими?!!”- деди. [\[۵۷\]](#)

Аҳмад Жоруллоҳ бу билан кифояланмади, балки амри маъруф ва наҳйи мункар ҳайъатида фаолият кўрсатаётган кишилар ҳақида

шундай деди: “Улар аслида масъулияти йўқ одамлар бўлиб, ўзларини одамлар устидан насиҳатгўй қилиб олганлар, одамларнинг хусусий ишларига аралашадилар, барча ҳаракатларини кузатадилар!!”.

Кейин эса: “Жанжалкашлик услуби – коммунистик бидъатлардандир” - деди. [\[۵۸\]](#)

Бу ёзувчи билан карикатурачи рассом Жаржис Айёд ўртасидаги алоқанинг ўта чуқур бўлгани сабаб Аҳмад Жоруллоҳ ўз гапларининг ўртасига Жаржиснинг дорга осилган

аёл расмини ифодалаган  
карикатурасини қўйди.

Шундай қилиб, насроний салибий  
адоват сўз ва расмда ҳаёсиз илмоний  
йўналиш билан бирлашди. Гўё улар  
Аллоҳнинг нурини оғизлари билан  
пуфлаб сўндирмоқчи бўладилар!  
Ҳолбуки, Аллоҳ ўз нурини кофирлар  
ёқтирмасаларда камолига етказди!

Бу она сути оғзидан кетмаган  
ёзувчига қаранг! У, ўзига шиаликни  
дин қилиб олган Эрон билан баъсчи-  
коммунист ироқликлар ўртасидаги  
уруш йиллари баъсчилик (миллий  
коммунистик асосларга асосланган  
оқим) ва баъсчиларни мақтади.

Ҳатто уларни музаффар фотихлар даражасига кўтарди. Худосизлик ва секуляризмга даъват этган одамларни олқишлаб мақолалар ёзди. Кейин санъат ҳақида мақолалар ёза бошлади. Ўзининг рўзномасини кечки кўнгилочар нарсалар ва маст-аласт инсонларни акс эттирган мақолалар билан тўлдирди. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган одамларнинг мункари ва ҳаёсиз нарсаларга фаол кураш олиб бораётганларини кўрганида, қалби уларга нисбатан гина-адоват билан тўлди-да, салибчи устози Жаржисдан “мадад” олди ва ёзмаган нарсаси қолмади. **Унинг қилган иши**

шоирнинг ушбу сатрларида  
мужассамдек туюлди менга:

Бошини бир кун урар қояга

Унга синдириб зарар бемоқчи гўё.

Ҳеч бир зарар бера олмас қояга

Балки ўзи қолар катта балога!

Ў – Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган  
мужоҳидларни мазах қилиш

“Укоз” рўзномаси Афғон  
мужоҳидларига нисбатан гина-  
адоватлар акс этган хунук расмларни  
чоп этиб, мусулмонларни  
нафратлантирди. Ўша расмларнинг  
биринчисида афғонистонлик икки



мужоҳиднинг дарахт кўчатининг остига сув қуяётганлари акс эттирилган. Бу билан, рассом, жиҳоднинг бошланишига ишора қилмоқда. Кейинги расмда эса, дарахт етишиб, мевалар берган, остида эса ҳалиги икки мужоҳиднинг пишган меваларни олиш учун бир-бири билан уришаётгани, бир-бирларининг соқолларини юлаётгани ва бир-бирларини ўлдириш учун автоматларини тўгрилаб тургани акс эттирилган. [59]

“Укоз” рўзномаси уммат сафларини бирлаштирадиган сўзлар ўрнига, мужоҳидлар ҳақида мана шундай қабих нарсаларни ёзмоқда. Ҳа, бу

пасткашлар мужоҳидлар устидан шундай кулмоқда. Ушбу ҳажвий расмнинг “Болалар учун ҳикоя” деб номланиши, дард устига чипқондир!

Бу рўзнома чоп этган нарсалари билан янги авлод қалбида жиҳодага бўлган нафратни уйғотмаяптими? Гўдаклар қалбида мужоҳидлар суратини ёмон қилиб кўрсатмаяптими? Менимча коса ичида нимкоса борга ўхшайди!!

Ў – Уммат уламоларини мазах қилиш

Бу жинойт Ислом душманларигагина чекланиб қолмади, балки исломий даъватга мансубликни даъво қилаётган одамлардан ҳам содир

бўлмоқда. Масалан, Муҳаммад Ғазолий (Хулуқул муслимнинг муаллифи, тарж) расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган одам аср намозини Қурайза қабиласига етганда ўқисин” деб айтган ҳадис шарифларига таълиқ ёзар экан (Ғазолий ҳадиснинг маъносини ёзган. Унинг асли имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китобларида мавжуд, ۱۷۷۰) Ҳанбалий мазҳабиغا мансуб уламолар устидан кулиб шундай дейди: “Агар анави қаттиққўл ҳанбалийлар у ерда ҳозир бўлсалар эди, намозини эртароқ ўқимоқчи бўлган одамга: “Эй Аллоҳ

ва расулининг душмани, пайғамбарга осий бўлиб, унинг бизга қилган қатъий буйруғини рад этасанми?!  
Ахир бу мунофиқлик-ку! Биз йўлда қандай намоз ўқиймиз, ҳолбуки у зот намозни Қурайза қабиласида ўқишимизга амр қилдилар-ку! ” деган бўлар эдилар”.[\[70\]](#)

"Уялмасанг, хоҳлаганингни қил!"- дейдилар. Бу сўзлар – одамларга ноҳақ тухмат қилиш ва ниятлари ҳамда ичларида яширинган нарсалар ҳақида билмай туриб гапириш. Бу ёмонлик, шармандалик ва хасислик нуқтаи назаридан кифоядир. Бундан ташқари Ислom уламоларнинг шакллари, овозлари ва фатволарини

мазах қилган қанча-қанча одамлар борки, у масхарабоз-аскиячиларнинг бу мункарларини тўхтатиш вақти келди. Агар тўхтатилмаса, Умматнинг ҳолига вой!

## **БЕШИНЧИ ФАСЛ:**

### **Мазах қилувчиларнинг жазо ва уқубатлари**

Аллоҳ таоло айтди: «Ахир Биз мусулмонларни жинойтчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! Сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?» (Қалам: ۳۵, ۳۶);

«Албатта Аллоҳ ва расулига қарши чиққан-муҳолиф бўлган кимсалар —

ана ўшалар хор бўлганлар қаторидадирлар. Аллоҳ (Лавҳул Маҳфузга): “Шак-шубҳасиз, Мен Ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўламан” деб ёзиб қўйгандир.

Албатта, Аллоҳ Кучли, Қудратлидир”. (Мужодала: ۲۰, ۲۱)

Ушбу баҳсни ёзар эканман, Аллоҳнинг Китобидаги мазах қилувчиларга бериладиган жазо ва Аллоҳнинг кенг қамровли аламли азоблари зикр қилинган буюк оятлар ҳақида тафаккур қилиб, баданлар титрайдиган ва даҳшатидан юраклар ёриладиган кўрқинчли ҳолатларни кўрдим:

Дунёдаги хорлик ва охиратдаги азоб!

Дунёдаги ҳалокат ва расволик ҳамда охиратдаги давомли азоб.

Нух алайҳис-саломнинг қавми уни мазах қилдилар, Аллоҳ таоло уларни бу дунёда (сувга) ғарқ қилди, охират азоби эса қаттиқроқ ва аламлироқдир. Аллоҳ таоло деди: «Биз уни ва у билан бирга бўлган (унга иймон келтирган) ларни кемада қутқардик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларни ғарқ қилиб юбордик. Чунки улар (кўнгиллари) кўр бўлган қавм эдилар.» (Аъроф: 74)

Худ алайҳис-саломнинг қавми ҳам  
Худ алайҳис-салом устидан  
кулдилар ва уни ёлғончига  
чиқардилар. Аллоҳ таоло айтди:  
«Унга (Худга) ва у билан бирга  
бўлган (мўмин) ларга Ўз раҳмат-  
марҳаматимиз билан нажот бердик  
ва Бизнинг оятларимизни ёлғон  
деган кимсаларнинг думларини  
қирқдик (ҳалок қилдик). Улар мўмин  
эмас эдилар.» (Аъроф: ٧٢);

«Қачонки Бизнинг фармонимиз  
(яъни, азобимиз) келганида Худ ва у  
билан бирга иймон келтирган  
кишиларни Ўз раҳмат-марҳаматимиз  
билан қутқардик ва уларга қаттиқ  
азобдан нажот бердик.



Роббиларининг оятларини инкор қилган, Унинг пайғамбарларига исён қилган ва барча қайсар, золимлар амру-фармониغا бўйсунган ана ўшалардир. Уларга бу дунёда ҳам, Қиёмат Кунисида ҳам лаънат айтилуру. Огоҳ бўлингизким, албатта Од қабиласи — Роббиларига кофир бўлган эдилар. Огоҳ бўлингизким, Худнинг қавми бўлган Од ҳалокатга учради.» (Худ: ۵۸ – ۶۰)

Солиҳ алайҳис-салом Самуд халқига пайғамбар қилиб юборилди. Улар ҳам унинг устидан кулдилар ва уни ёлғончига чиқардилар. Аллоҳ таоло унга нажот бериб, қавмини ҳалок қилди. **Аллоҳ таоло айтди:** «Уларни

дахшатли зилзила тутиб, турган жойларида тўкилдилар (ҳалок бўлдилар).» (Аъроф: Ҷ^)

Лут алайҳис-салом ўз қавмига пайғамбар қилиб юборилди. Қавми унинг устидан ҳам масхара қилиб: “Улар покланувчи одамлар!” - деб кулдилар. Аллоҳнинг азобидан у ва у билан бирга бўлганлар қутилган бўлса, мазах қилиб кулганлар ҳалок бўлдилар. Аллоҳ таоло айтди: «Унга ва аҳлига (яъни Лут ва унга тобеъ бўлганларга) нажот бердик. Магар унинг хотини (нажот топмади, чунки у) қолиб ҳалок бўлувчилардан эди. Уларнинг устига даҳшатли ёмғир — тош ёғдирдик. Ана энди жиноятчи —

осий қавмнинг оқибати (қисмати)  
қандай бўлганини кўринг.» (Аъроф:  
۸۳, ۸۴);

«Энди қачонки Бизнинг фармонимиз  
(яъни азобимиз) келганида, у  
жойларни остин-устун қилиб  
юбордик ва уларнинг  
(кофирларнинг) устига Роббингиз  
даргоҳида белгилаб қўйилган сопол  
тошларни пайдар-пай ёғдирдик. (Эй  
Муҳаммад), у жойлар бу  
золимлардан (яъни Макка  
мушрикларидан) йироқ эмасдир,  
(яъни, ўша кофирларнинг оқибати  
нима бўлганини кўриб ибрат олсалар  
бўлмайдими?!).» (Худ: ۸۲ – ۸۳)

Шуайб алайҳис-салом қавми ҳам унинг устидан мазах қилиб кулдилар ва: «Улар (масхара қилиб) дедилар: «Эй Шуайб, бизлар ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизда ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен жуда кўнгилчан ва ҳалийм ва рашид (тўғри йўлни топиб олган) кишисанда!» - дедилар. (Ҳуд: ʌʋ).

Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилди ва Шуайб алайҳис-саломни азобдан қутқарди. Аллоҳ таоло айтди: «Уларни даҳшатли зилзила тутиб,

турган жойларида тўкилдилар (ҳалок бўлдилар). Шуайбни ёлғончи қилган кимсалар гўё у ерда яшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончи қилган кимсаларнинг ўзлари зиён кўрувчи бўлдилар.» (Аъроф: 91, 92);

«Қачонки Бизнинг фармонимиз (яъни азобимиз) келганида, Шуайбга ва у билан бирга иймон келтирган кишиларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Золим кимсаларни эса даҳшатли қичқирик тутиб, гўё ҳеч қачон (дунёда) яшамагандек, ўз диёрларида тўкилиб қолдилар. Огоҳ бўлингизким, худди Самуд қабиласи ҳалокатга учрагани каби Мадян

қавми ҳам ҳалокатга учради.» (Худ:  
 94, 95)

Мусо алайҳиссаломнинг қавми ҳам  
 Мусо алайҳис-саломни ёлғончига  
 чиқариб, унинг устидан масхара  
 қилиб, кулдилар. Аллоҳ таоло у ва у  
 билан бирга бўлган мўминларни  
 азобдан қутқариб, золимларни  
 ҳалокатга гирифтор қилди. **Аллоҳ**  
**таоло деди:** «Бас, **Биз Мусога:**  
**(Асойинг билан)** денгизни ургин»,  
 деб ваҳий юбордик. Бас **(денгиз)**  
 бўлиниб, ҳар бир бўлак **(сув)** баланд  
 тоғ каби бўлди. **(Сўнг Мусо ва унинг**  
**қавми денгиз ўртасидан очилган**  
**йўлга тушдилар.)** Ва кейингиларни  
**(яъни Фиръавн ва унинг қўшинини**

ҳам) ўша (йўлга) яқин қилдик. Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. Сўнгра кейингиларни (денгизга) фарқ қилиб юбордик.» (Шуаро: ٦٣ – ٦٦).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг душманлари ҳам, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мазах қилиб, устидан кулдилар, ёлғончига чиқариб, унга озор бердилар. Шундай бўлишига қарамай, оқибат тақводорларнинг, расволик, уят, жаҳаннам ва ҳалокат эса рад этган, бузғунчилик ва мазах қилган золимларнинг насибаси бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг душманлари бу дунёда ҳалок бўлдилар, Роббингиз ҳузурида эса азоб ва учқунлари сариқ туядек катта бўлган жаҳаннам бордир.

Шайхулислов ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у билан бирга бўлган мўминлар устидан мазах қилиб кулган ўша инсонлар ҳақида шундай дейди:

“Ана шу мазах қилувчиларни Аллоҳ таоло битта-биттадан ҳалок қилгани маълум. Тафсирчи ва тарихчилар уларнинг ҳалок бўлган ҳодисаларни зикр қилганлар. Улар қуйидагилардир: Қурайшнинг



бошлиқларидан Валид ибн Муғийра, Ос ибн Воил, Асвадон ибн Мутталиб, Ибн Абдуяғус, Ҳорис ибн Қайслардир. (Эрон қироли) Кисро ҳам расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юборган номани йиртиб, расулуллоҳ соллаллоҳу алалйҳи ва саллам устидан истехзо билан кулди. Аллоҳ таоло кўп ўтмай уни ҳалок ва мулкини хонавайрон қилди. Кисро хонадонининг ҳеч қандай мулки қолмади. Бу, Аллоҳ билади, менимча, **Аллоҳ таолонинг:** «Албатта сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни **беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир**)!»- деб айтган сўзининг

амалга ошиши бўлса керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни айблаган, ёмон кўрган ва унга душманлик қилган кимсаларни Аллоҳ таоло ном-нишонсиз йўқотиб ташлайди. **Халқ орасида:**

“Уламоларнинг гўшти заҳарлидир!” деб айтилган мақол юради.

Олимларнинг гўштики шундай бўлса, пайғамбарларникини сўрамай кўяқолинг!.

Саҳиҳ ҳадисда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган ушбу сўзлар бор: “Аллоҳ таоло айтди: “Ким менинг дўстимга душманлик қилса, менга қарши яккама-якка урушишга чиқибди”.

Шундай экан, пайғамбарларга душман бўлган кишиларнинг ҳоли не кечади?! Ким Аллоҳга қарши уруш очган бўлса унга ҳам уруш очилади”. [71]

Аллоҳ таоло мўминларни мазах қилган кимсалар учун Қиёмат кунда тайёрлаб қўйган жазосини қуйидаги сўзлар билан эслатди:

«(Жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз! Аниқки, Менинг бандаларимдан бир гуруҳ бор эди. Улар: «Парвардигоро, (Ўзингга) иймон келтирдик. Бас сен Бизларни мағфират қилгин ва бизларга раҳм айла: Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан»,

дер эдилар. Бас сизлар уларни масхара қилдингиз, ҳатто улар(нинг устидан кулиш) сизларга Мени эслашни унуттирди. Сизлар улардан кулган эдингиз. Мен бугун уларни (сизларнинг озор-азиятларингизга) сабр-тоқат қилганлари сабабли мукофотладим — улар ҳақиқий (бахт-саодатга) эришгувчилардир». (Мўминун: ١٠٨ – ١١١);

«Уларга ҳақ (Қуръон) келганда уни ҳам ёлғон дедилар. Энди яқинда уларга ўзлари масхара қилувчи бўлган нарсанинг хабарлари келади.» (Анъом: ٥)

Мўмин ва мўминаларни мазах ва масхара қилиш, қаттиқ озорлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мўмин ва мўминаларни қилмаган ишлари сабабли озорлаган кимсаларга қаттиқ жазолар берилишини ваъда қилган: «Албатта Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир. Мўмин ва мўминаларга қилмаган ишлари сабабли озор берган одамлар ўз устларига катта бўҳтон ва очик гуноҳни олибдилар». (oʻ, oʻ).

Аллоҳнинг дини, шариати ва мўминлар устидан кулаётганлар ўзларигагина зарар қиладилар. Ичларида яширган сирлари очилиб, амал номалари тарқатилганида ўша масхараловчилар афсус чекиб, надомат қиладилар. Бироқ, у соатда надомат фойда бермайди. **Аллоҳ таоло айтди:** «(Мана энди) уларга қилиб ўтган ёмонликлари ошкор бўлди ва ўзлари масхара қилиб ўтган (азоб) уларни ўраб олди! ۳۴. Ва (уларга) дейилди: «Худди сизлар мана шу бугунги кунингиздаги учрашувни унутганларингиздек, Биз ҳам бугун сизларни «унутамиз». Сизларнинг жойингиз дўзахдир ва

сизлар учун дўзах азобидан қутқарувчи ёрдамчилар ҳам йўқдир! ۳۰. Бунга сабаб — сизлар Оллоҳнинг оятларини масхара қилиб олган эдинглар ва сизларни ҳаёти дунё алдаб қўйган эди. Бас, бугун улар (дўзахдан) чиқарилмаслар ва улардан (Оллоҳ рози бўладиган амалларга) қайтиш ҳам талаб қилинмас.» (Жосия: ۳۳ – ۳۵)

## ОЛТИНЧИ БЎЛИМ:

### Масхара ва истехзо қилувчиларга муслмоннинг муносабати

Кўплаб одамлар, хусусан даъватчилар даъват йўлида тўғанок бўлаётган вабо — одамларнинг

масхара ва истехзоларидан кўп шикоят қиладилар: “Хўш, биз нима қилайлик, қандай иш олиб борайлик?” .Мен Аллоҳдан тавфиқ сўраб, бу саволга жавоб топишга ҳаракат қиламан:

۱ – Аллоҳ йўлида етган озорларга сабр қилиш – Аллоҳ йўлига даъват қилишнинг ўзгармас асосларидан биридир. Ахир қандай қилиб сабрсиз даъват самара берсин?, Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб: “Бас, сабр қилинг, оқибат тақводорларникидир!” демадими? (Ҳуд: ۴۹).



Аллоҳ таоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга Мусо алайҳис-саломнинг ўз қавмига айтган сўзларини ваҳий қилди:

«(Фиръавннинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида) Мусо (алайҳис-салом) қавмига деди: «Оллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилинглар! Бу Ер шак-шубҳасиз Оллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб беради. Оқибат-натижа эса такводорларники (Оллоҳдан қўрққанларники) бўлади». ۱۲۹. Улар айтдилар: «Сен бизга (пайғамбар бўлиб) келишингдан илгари ҳам (яъни ўшанда ҳам Фиръавн ўғилларимизни ўлдириб,

аёлларимизни тирик қолдириб, зулм қилган эди), сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик». У (Мусо) деди: «Шояд Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу Ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса». (Аъроф: ۱۲۸, ۱۲۹)

Сабр-бардош билан бирга Аллоҳ таолонинг ўзига садоқатли таваккул ҳам бўлиши керак. Чунки Аллоҳ таоло: «Сиз кофирлар ва мунофиқларга бўйсунманг ва уларнинг озор-азиятларига парво қилманг ҳамда Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг Ўзи етарли вакил-ҳомийдир.» (Аҳзоб: ۴۸), деди.

Аллоҳнинг ўзигагина таваккул қилиб, Унинг ўзигагина суяниш ва Унинг ҳузуридаги ажр-савобларда тамаъда бўлиш – бу узок йўлда юрувчи одамларнинг мустаҳкам асосларидир. **Қадимда айтилган:** “Сабр ва қатъий ишонч билан диндаги имомлик даражасига етилади”.

۷ - Биздан кўра яхшироқ бўлган одамлардан ибрат олиш.

Сизга халқлари тарафидан масхара қилинган пайғамбарларнинг қиссаларини айтиб ўтдик. Бу масхара ва истехзолар уларни бажаришга киришишган ишлари ва ўзлари

билан бирга юборилган динларидан четлата олдими?! Йўқ, албатта!

Кема ясаётган Нуҳ алайҳис-салом устидан мазах қилиб кулдилар. Бироқ бу ишлар уни ўз йўлидан қайтмай давом этишини ва Роббисининг берган ваъдаларига бўлган ишончини зиёда қилди.

Лут алайҳис-салом, унинг поклиги ва у билан бирга бўлганлар устидан қавми масхара қилиб кулди. Улар унинг бу ҳолатига ҳайратомуз боқиб: “Улар покланувчи одамлар!” - дедилар. Бу сўзлар Лут алайҳис-саломнинг ҳақ йўлидаги матонати ва қуйидаги Аллоҳ берган ваъдага

бўлган ишончини орттирди, **ХОЛОС:**  
 «Уларга ваъда қилинган вақт  
 субҳдир. Субҳ яқин эмасми?!» (Худ:  
 ʌʌ).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва  
 саллам устидан ҳам масхара  
 қилишиб, **пасткашларнинг озорлари**  
**кучайганида Аллоҳ таоло унга ҳитоб**  
**қилиб шундай деди:** «(Эй  
**Муҳаммад), сиздан аввал ўтган**  
**пайғамбарларнинг устидан ҳам**  
**қилинган. Сўнг уларни масхара**  
**қилган кимсаларни ўша кулгилари**  
**ўраб, (домига тортиб) кетган (яъни**  
**ҳалок қилган).**» (Анъом: ʌʌ) Анбиё  
 сурасининг қирқ биринчи ояти ҳам  
 шу маъноларни ўз ичига олган.

Аллоҳ таоло айтди: «(Эй, Мухаммад), сиздан аввалги пайғамбарларнинг устидан ҳам кулиб-масхара қилинганида, Мен ўша (пайғамбарларини ёлғончи қилиб) куфр йўлини тутган кимсаларга (бир оз) муҳлат бериб сўнгра уларни (Ўзимнинг азобим билан) ушлаганман. Сўнг уларни қандай жазолаганимни (билурсиз).» (Раъд: 32)

Ў - Мўминларнинг барчаси, хусусан даъватчилар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларига лойиқдирлар: «Куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва ғамгин бўлмангиз! Агар (хақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар

устун бўлгувчидирсизлар. ۱۴۰. Агар сизларга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Оллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлангириб турадиз. Оллоҳ золим кимсаларни севмайди. ۱۴۱. Ва токи Оллоҳ иймон келтирган зотларни (гуноҳларидан) поклаш ва кофирларни ҳалок қилиш учун (бу кунларни одамлар орасида айлангириб туради). ۱۴۲. (Эй мўминлар), ёки Оллоҳ сизларнинг

ичингиздан ким ҳақ йўлда курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!» (Оли Имрон: ۱۳۹-۱۴۲).

Мўмин ўзининг Аллоҳ таоло тавфиқи, йўллаши ва сабот бериши билан бирга эканини ҳис этар экан сустлик қилмайди ва ғамгин бўлмайди. **Ахир Аллоҳ таоло:** «Уларнинг (кофирларнинг «Сен пайғамбар эмассан», деган) сўзлари сизни ғамгин қилмасин. Бутун куч-кудрат Оллоҳникидир. У Эшитувчи, Билувчидир.» (Юнус: ۶۰).



ξ – Ҳазилкаш, масхара ва истехзо қиладиган одамлар билан дўстлашмаслик.

Чунки, Аллоҳ таолога бўлган иймон, ундай душманлардан безор бўлиш билангина тўғри бўлади. Ҳолбуки, **Роббимиз Аллоҳ таоло шундай демоқда:** «Эй мўминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳдан кўрқинглар!» (Моида: ൨൮).

Ислом умматининг бошига келган улкан балолардан бири – яҳудий ва

насоролар билан дўстлашишдир. Ҳолбуки улар, динимизни айбламоқдалар, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни камситиб, бизнинг устимиздан кулмоқдалар. Ичимиздан бир пулга қиммат баъзи гўл одамлар уларни ўзларига дўст тутмоқдалар. Бу эса куфр ва кофирлардан безор бўлишни Аллоҳнинг ўзигагина иймон келтиришдан муқаддам қўйган Аллоҳнинг Ҳақ Манҳажига ҳеч тўғри келмайди: «Бас, ким Тоғут-Аллоҳдан ўзга ибодат қилинган ҳар бир нарса-га кофир бўлса ва Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб

кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани  
ушлабди.» (Бақара: ۲۰۶).

Ҳозирги кунда ҳам аҳли китоблар  
Аллоҳ, Унинг дини ва мўмин  
бандалари устидан кулиш  
воситаларининг барчасидан  
фойдаландилар. Бу уларнинг  
сўзлари, оммавий ахборот  
воситалари ва тузаётган режаларида  
очиқ намоён бўлмоқда. Балки улар  
ишлаб чиқараётган маҳсулотларда  
ҳам намоён бўлмоқда: пояфзал ҳамда  
эркак ва аёлларнинг ички  
кийимларига Аллоҳнинг исмларини  
ёзмақдалар, Аллоҳ бундан буюк  
ва муназзаҳдир. Улар таҳқирлашда  
Қуръон оятларини ҳам

қолдирмадилар. Шундай бўлишига қарамай, баъзи ғофил мусулмонларнинг китоб аҳлларини, уларнинг заводларида ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиб олиш билан, билвосита яхши кўраётганларини кўрасиз. Ҳолбуки бу ширкатлар, динимизни айбламоқда, Роббимизни мазах қилмоқда ва Ислом динимизнинг обрўсини тўкмоқда! Ушбу туйғуларла ғайрат билан турган ва умматга бу иймоний вазифани эслатмоқчи бўлган одам, Аллоҳ, мўминлар ва муваҳҳидларга қарши жинойтчилар деб атаган кимсалар томонидан мазах қилинади, бармоқлар билан

ишора қилинади, ақидапарастлик, қоқоқлик, инсониятга душманлик, экстремизм, террорчилик ва сўқиниш қомусида мавжуд бўлган бошқа сўзлар билан айбланади. Аллоҳдан бошқа кимга ҳам шикоят қиламиз!! У биз учун кифоя ва қандай яхши Ёрдамчидир.

○ – Истеҳзо ва масхара қиладиган одамлардан юз ўгириш ва улар билан бирга ўтирмаслик. **Аллоҳ таоло айтди:** «Қачон Бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то бошқа гапга киришгунларича улардан юз ўгиринг! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса,

эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг! ۶۹. Тақво қилувчи зотлар зиммасида у (қавм)нинг ҳисоб-китобидан ҳеч нарса йўқ, лекин улар (оятларимизни масҳара қилишдан) сақланишлари учун эслатиб қўймоқ (лозимдир). ۷۰. Динларини ўйин-ҳазил қилиб олган, ҳаёти дунёга алданиб қолган кимсаларни тарк қилинг! Ва уни (яъни Қуръонни, одамларга) эслатиб қўйинг! Токи бирон жон (Қиёмат Кунисида) касб қилган (гуноҳлари) сабабли ўзи учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмаган, агар бор нарсани берса ҳам — ундан қабул қилинмайдиган ҳолда,

ҳалокатга ташланмасин. қилган амаллари сабабли (Оллоҳнинг азобига) ташланган ана ўша кимсалар учун қайноқ сувдан иборат ичимлик ва кофир бўлганлари сабабли аламли азоб бордир.» (Анъом: 78 - 79).

Аллоҳ таоло, ўша мазах ва истеҳзо қиладиган одамлар билан бир даврада ўтирган одамни улардан узоқлашмаса ва ўрнидан туриб кетмаса, улардан бири бўлиб қолиши ва уларни азоблайдиган азоб билан азоблаш билан кўрқитмоқда: «Ахир Оллоҳ сизларга Китобда: «Қачонки Оллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара

қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар», деган сўзларни нозил қилган эди-ку?! (Модомики, улар билан ўтирган экансиз), демак, сизлар ҳам шакшубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Оллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир.» (Нисо: ۱۴۰).

Афсуски, бу масалада бепарволик анча кўпайди. Айрим одамлар истеҳзо қилувчи кимсалар билан дўстлашиб, уларни улфат ва севимли дўст қилиб олдилар. Ҳатто уларни ва уларнинг шарафларини ҳимоя қилмоқдалар. Улар гўё Аллоҳ



**таолонинг:** «Сиз ўзларига хиёнат қиладиган (жинояткор) кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта Оллоҳ хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди.» (Нисо: 107) ва «Сиз хоинларни ҳимоя қилувчи бўлманг!»» (Нисо: 108) оятларини унутгандек кўринадилар.

Ҳақиқатга эргашган ва иймонли кишилар Аллоҳнинг розилигига эришиш ва Қиёмат кунинда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқлари остида жамланиш учун истеҳзо ва масхара қилувчи одамлардан узоқ туришлари керак.

٦ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олиб, ҳақиқатни очик айтиш. Чунки, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан мазах ва истехзо кучайганида, **Аллоҳ таоло Унга:** «Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг! ٩٥. Албатта, Биз Ўзимиз сизни масхара қилувчиларни (ҳалок этиш учун) кифоя қиламиз.» (Ҳижр: ٩٤, ٩٥) оятини нозил қилди. **Ахир қурайшликлар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга:** «Улар (яъни, Макка кофирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва

салламни масхара қилишиб): «Эй (ўзига) эслатма — Қуръон нозил қилинган (деб даъво қилаётган) киши, дарҳақиқат, сен, мажнунсан. Агар («Мен Оллоҳнинг пайғамбариман», деган даъвоингда) ростгўйлардан бўлсанг, бизга (сўзларингни тасдиқлайдиган) фаришталарни келтиргинчи» (Ҳижр: 7, 8), демадиларми. Уларнинг масхаромуз, интиқомли нигоҳлари ҳар ерда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қувиб юрмасмиди: «9». Албатта кофир бўлган кимсалар эслатма-Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзадилар ва

(Мухаммад) шак-шубҳасиз  
мажнундир, дерлар. ٥٢. Ҳолбуки, у  
(Қуръон) барча оламлар учун фақат  
бир (буюк) эслатмадир.» (Қалам  
сураси).

Шунча ишлар бўлишига қарамай,  
расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва  
саллам Ҳақ Йўлда юришни давом  
эттирдилар. Даъват учун бел  
боғлаган, бироқ биргина  
масхараомуз сўз ёки арзимаган имо-  
ишора уларни бу йўлдан қайтариб  
юбораётган кимсалар, даъват  
вазифасини кўтаришга  
нолойиқдирлар. Чунки иймон, тил  
билангина айтиб кифояланиладиган  
нарса эмас. Балки у, масъулияти,

омонати, юки ва жиҳоди бўлган Буюк Ҳақиқатдир. Масхара ва истехзо воситалари шаштини пасайтирган кимсалар, йўлдан четга чиқсинлар ва ишни лойиқ бўлган одамларга қўйиб берсинлар!

Ноҳақ йўл эгалари ва унга чорлаётган одамлар ҳаётидаги ажабланарли нарса шуки, уларнинг ботил йўлида тўғаноқ бўлаётган қандай нарса бўлмасин, ўз ғояларида сабот билан турганларини кўриб, заиф иймонли баъзи кимсаларнинг озгина мазах ва истехзо сабабли диний ишларидан воз кечаётганларидан афсусланасиз. Фожирнинг саботи ва тақводорнинг

ожизлигидан Аллоҳга шикоят  
қиламиз!!

Яқин ўтмишда Аллоҳ йўлига  
чақирувчилардан бири бўлган  
забардаст аллома, мужаддид шайх  
Иброҳим Тамимий  
раҳимаҳуллоҳнинг ҳаёти ҳақида  
тафаккур қилар ва унда дуч келган  
қанча-қанча қийинчиликлар,  
масхаралар, одамаларни ундан  
нафратлантириш, “Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва салламни  
суймайди, саҳобаларни ёмон кўради  
ва Умматни пароканда қилади. У  
бешинчи мазҳабни олиб келди. У  
авлиёларни ёмон кўради ва ..., ва ...!”  
деб айтилган бўҳтон ва ёлғонларни

тарих китобларидан ўқиганмиз. Хўш, у, бўҳтон ва ёлғонларга нисбатан қандай муносабатда бўлди?!

Бу озорлар унга ҳақиқат йўлида шижоатни, ҳолис тавҳидга чақириш, ширк ва унинг аҳлидан безор бўлиш ва адашган кимсаларнинг шубҳаларини фош қилиш йўлида ошкораликни зиёда қилди. Уларнинг ўз разилликларини давом эттирар эканлар, У, Роббисининг берган ваъдаси ҳамда Аллоҳга таваккал қилган кишига Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилишига чин юракдан ишонар эди. Хўш, натижа нима бўлди? Шайх Сулаймон Тамимийнинг хотираси қаердаю, ушбу муборак салаф

ҳаракатига душман бўлган ибн Афолик, Қуббоний, Кавкабой, Дахлон, ибн Жиржис, Нажафий, Набҳоний, Дажвий, Омилий ва бошқа ўнлаб одамларнинг номи қаерда?! У қилинган асоссиз нарсалар кетиб, тарих саҳифаларидан ўчирилди. Бу мужаддид имомнинг тарихи эса, **бу дунёнинг осмонида ҳилпираган байроқ бўлиб қолди:** унинг илмидан фойдаланилмоқда. Китоблари нашр қилинмоқда. Дунёнинг тўрт тарафида яшаётган инсонлар унинг чақириқларига эргашмоқдалар. Аллоҳ таоло аллома Сулаймон Тамимий чақирган ҳақ йўлни намоён



қилиб, душманлари олиб келган ботил нарсаларни вайрон қилди: «Энди у кўпик-чиқинди ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзиде қолади.» (Раъд: 17)

Ҳа, у душманларнинг адоватлари, фириблари, ҳийлаларини ва пасткашликларини унутдилар. Бироқ, одамларга фойдали бўлган бу яхшилик қолди. Ҳолбуки, бугунги кунда мусулмонларнинг бирорта уйи йўқки, бу алломанинг китоблари кирмаган бўлса. Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечирсин, унга савобларини мўл қилиб,

мақомларини кўтарсин. Шубҳасиз,  
Роббим барча нарсага қодир зотдир.

## ХОТИМА

Муҳтарам китобхон, одамлардан қасдсиз содир бўлаётган, кўпчилик бефарқ қолиб, мубтало бўлган ушбу ишнинг нақадар хатарли эканига сиз ва бошқаларнинг диққатини жалб қилиш учун, ушбу мўжаз рисола сизга ҳавола этдим.

Аллоҳ таолодан эса, яхши мақсад ва Умматни дини ва этиқодини бузадиган нарсаларнинг хатарини билдиришини умид қилиб қоламан. Биз мусулмонлар ўз динимизга жиддий ва тўлақонли амал

қилишимиз, мазах, масхара ва сафсаталардан узоқлашишимиз, ўзимиз ва янги авлодимизни жиддийлик ва олийҳимматлик асосида тарбия қилишимиз керак. Чунки, бу — олийжанобликдир.

Азиз китобхон, рисола ни ўқиш мобайнида хато ва камчиликларга дуч келган бўлсангиз, уни муаллифига совға ва насиҳат ўлароқ тақдим этинг-ки, у ҳаққингизга ғоибона дуолар қилиб, ҳаққа қайтсин. Агар тўғри сўзларни топган бўлсангиз, муаллиф ҳақиқа дуо қилинг ва дўстларингиз ва яқинларингизга мазах қилишининг

хатари, тил ва кўзни бу хунук айбдан тийиш кераклигини уқтиринг.

Аллоҳ барчамизни ўз ҳифзи, лутфи ва карами билан паноҳига олсин.

۲۰ / ۱۱ / ۱۴۱۲ ҳижрий йил, жума  
чоштгоҳи

Маккайи Мукаррама шаҳри (Аллоҳ  
уни барча офатлардан сақласин)

## Китобни ёзишда фойдаланилган манбалар

Қуръон Карим.

“ал-Ижмў”, ибн Мунзир, сағир  
Аҳмад Ҳасан тадқиқи, биринчи

нашри, ۱۴۰۲ ҳ., Тоййиба нашриёти,  
Риёз шаҳри.

“Асбабун-нузул, Воқидий, саййид  
Аҳмад Сақр тадқиқи, иккинчи  
нашри, ۱۴۰۴ ҳ., Қибла нашриёти,  
Жидда шаҳри.

“Усулуд-даъва”, Абдулкарим  
Зийдон, учинчи нашри, ۱۳۹۶ ҳ.,  
Манор Исломий китоблар нашриёти,  
Манор шаҳри.

“ал-Аъмолуш-шэрийятул-комила”,  
Адунис, Авда нашриёти, Байрут  
шаҳри.

“ал—Аъмолуш-шэрийятил-комила”,  
Низор Қибоний, Низор Қибоний  
нашриёти, ۱۹۸۲ м., бешинши нашри.

“Тафсирут-Табарий”, аллома  
Муҳаммад ибн Жарир, учинчи  
нашри, ۱۳۸۸ ҳ., Мустафо Ҳалабий  
нашриёти.

“Тафсирул-Қуръонил-Азийм”, хофиз  
ибн Касир, Ғунайм, Банно ва Ошур  
тарқиқи, Шаъб нашриёти.

“ал-Жомэ ли аҳкомил-Қуръон”,  
Аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад  
ибн Иброҳим Қуртубий, Абу Ишоқ  
Утайфиш тадқиқи, ۱۳۸۷ ҳ., ал-  
Китобул-арабий нашриоти.

“ал-Жомэул-Фарид”, даъватчи уламолар мақолалари, Мадина нашриёти, Риёз шаҳри.

“Жаҳилийятул-қарнил-ишрийн”, устоз Муҳаммад Қутб, Шурук нашриёти.

“ал-Ҳадаса фий мийзанил-Ислам”, шайх Эваз Қорний, биринчи наشري ۱۹۰۸ ҳ., Ҳижр нашриёти.

“Даъавал-муновийна ли даъвати шайхил-ислам Сулаймон Тамимий”, Абдулазиз Абруллатиф, биринчи наشري ۱۹۰۹ ҳ., Тоййиба нашриёти.

“Дақоикут-тафсир”, шайхулисом ибн Таймийя. Муҳаммад Сайид

Жулайнид тўплаган, биринчи наشري,  
۱۳۹۸ ҳ..

Девон, Бакр Шокир Сайёб, ал-Авда  
нашрийтойи, Байрут шаҳри.

Девон, Маҳмуд Дарвиш, ал-Авда  
нашрийтойи, Байрут шаҳри.

“Равзатут-толибийн”, имом Нававий,  
Зуҳайр Шовиш тадқиқи, ۱۳۸۶ ҳ., ал-  
мактабул-исламий нашриёти.

“Зодул-маъод”, Ҳофиз ибн Қоййим  
Жавзийя, Шуайб Арнаут тадқиқи,  
биринчи наشري, ۱۳۹۹ ҳ.,  
Муассасатур-рисала нашриёти.

“Силсилатул’аҳадисис-саҳиҳа”,  
аллома Муҳаммад Носируддин



Албоний, ал-Мактабул-исламиЙ  
нашриёти.

“Сунанут-Термизий, Ҳофиз  
Муҳаммадибн Ийсо термизий,  
Аҳмад Шокир тадқиқи, ат-Туросул-  
арабий нашриёти.

“Сунану Аби Довуд”, Сулаймон ибн  
Ашъас, Иззат Дуош тадқиқи, ۱۳۸۱ х.,  
Муҳаммад Али Саъид нашриёти.

“Сунану ибн Можжа”, Муҳаммад  
ибн Язид Қазвиний, Муҳаммад Фуод  
Абдулбоқий тадқиқи, ۱۳۹۰ х., Эҳёут-  
турос нашриёти.

“ас-Суннатун-набавийя”, Муҳаммад Ғаззолий, биринчи нашри, ۱۴۰۹ ҳ., шуруқ нашриёти.

“ас-Сийратун-набавийя”, Абдулмалик ибн Ҳишом, Саққо тадқиқи, ۱۳۵۵ ҳ., Мустафо Ҳалабий нашри.

“ас-Саримул маслул ала шатимир-расул”, шайхулислов ибн Таймийя, Муҳйиддин Абдулҳалим тадқиқи, ۱۳۷۹ ҳ., Тож нашриёти.

“Саҳиҳул-Бухорий”, Ҳофиз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Фуод Абдулбоқий рақамлар билан тартиблаган, ۱۳۸۰ ҳ., Салафийя нашриёти.

“Саҳиҳу Муслим”, Ҳофиз Муслим ибн Ҳажжож, Фуод Абдулбоқий рақамлар билан тартиблаган, ۱۳۷۴ х., Эҳёул-кутубил-арабийя нашриёти.

“Софватул-осор вал-мафаҳийм”, шайх Абдуррахмон Давсарий, биринчи наشري, ۱۴۰۱ х., Аркам нашриёти, Қувайт шаҳри.

“Ғизоул-албоб”, шайх Муҳаммад Сафориний, Қуртуба нашриёти, Қоҳира шаҳри.

“Фатово ва расоилуш-шайх Муҳаммад ибн Иброҳим Олиш-шайх”, ибн Қосим нашрга тайёрлаган, биринчи наشري, ۱۳۹۹ х., ал-Ҳукумаҳ нашриёти.

“Фатовош-шайх Абдулазизи ибн Боз”, Муҳаммад Шувайъир тўплаган, биринчи наشري, ۱۴۰۸ ҳ., Идоротул-буҳус наشريёти, Риёз шаҳри.

“Фатовош-шайх Муҳаммад ибн Усаймийн ал-мусаммо ал-Мажмуъус-самийн”, биринчи наشري, ۱۴۱۰ ҳ., ватан наشريёти.

“Фатҳул-Мажид шарҳу китабит-тавҳид”, Абдурраҳмон ибн Ҳасан, Арнаут тадқиқи, ۱۴۰۲ ҳ., Баён наشريёти.

“Фазоилус-саҳоба”, имом Аҳмад ибн Ҳанбал, васийюллоҳ Аббос тадқиқи, биринчи наشري, ۱۴۰۳ ҳ., Уммул-қуро дорулфунуни наشريёти.

“Фий зилалил-Қуръон”, устоз  
Сайид Қутб, Шурук нашриёти.

“Қисасул-анбиё”, Ҳофиз ибн Касир,  
Мустафо Абдулҳамид нашри, ۱۳۸۸  
ҳ. .

“Китабут-тавҳид”, шайхулислом  
Сулаймон Тамимий, Арнаут тадқиқи,  
۱۴۰۲ ҳ., баён нашриёти.

“Мажмуъу фатово ибн Таймийя”,  
Абдурраҳмон ибн Қосим тўплаган,  
биринчи нашри, ۱۳۸۱ ҳ., ал-Ҳукума  
нашриёти.

“ал-Мухаррарул-важиз”, ибн Атийя  
Андалусий, Раҳҳолий ва Ансорий

тадқиқлари, биринчи наشري, ۱۳۹۸ ҳ.,  
Қатар.

“Мазаҳибу фикрийя муосира”, устоз  
Муҳаммад Қутб, биринчи наشري,  
۱۴۰۳ ҳ., Шурук нашриёти.

“Муснад”, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал,  
иккинчи наشري, ۱۳۹۸ ҳ., ал-  
Мактабул-исломий нашриёти.

“ал-Муъжамул-муфаҳрис ли  
алфазил-Қуръонил Карим”,  
Муҳаммад Фуод Абдулбоқий, Эҳёут-  
туросил-арабий нашриёти.

“ал-Муъжамул-муфаҳрис ли  
алфазил-ҳадисин-набавий”, биринчи  
наشري, ۱۹۳۶ м. .

“ал-Муғний”, Ҳофиз ибн қудома  
Мақдисий, доктор Туркий ва Ҳулв  
тадкиқи, ۱۴۱۰ ҳ., Ҳижр нашриёти.

“Воқеунол-муосир”, устоз Муҳаммад  
Қутб, биринчи наشري, ۱۴۰۷ ҳ.,  
Муассасатул Мадина лиссахафа  
нашриёти, Жидда шаҳри.

“ал-Вароу вал-бароу фил-  
Исламбисмиллаҳир роҳманир  
роҳим”, Муҳаммад ибн Саид  
Қаҳтоний, бешинчи наشري, ۱۴۱۲ ҳ.,  
Тоййиба ншриёти, Риёз шаҳри.

“ал-Аҳром” рўзномаси.

“ас-Сиясатул-кавнийя” рўзномаси.

“Укоз” рўзномаси.

“ад-Даъватул-исламийя” ойномаси.

“Рузул-Юсуф” ойномаси.

Миср “ал-Мусаввир” ойномаси.

Ливан “ан-Ноқид” ойномаси.

“Ислом ва мусулмонлар устидан  
мазах қилиб кулиш” рисоласини араб  
тилидан ўзбекчага ўгириш,  
Аллоҳнинг мадади ва ёрдами билан,  
۲۰۰۵ йилнинг ۲۴ декабрида  
ниҳоясига етди.

---

[۱] - "ал-Муғний, китабул-муртад",  
۱۲/۲۹۸, ۲۹۹. Доктор Туркий ва Ҳулв



тадқиқи, биринчи нашри, ۱۴۱۰ ҳ.  
Йил, Ҳажр нашриёти.

[۲]- "Равзатут-толибийн, китабур-  
ридда": ۱۰/۶۴. ал-Мактабул-Исламий  
нашриёти, ۱۳۹۶ ҳ. йил.

[۳] - "ал-Жомеъ ли аҳкамил-  
Қуръан", ۸/۳۹۷. Тадқиқ: Атфиш,  
۱۳۸۰ ҳ. йил.

[۴] - "Мажмуъул-фатава", ۷ / ۲۷۳,  
ибн Қосим тўплаган. Биринчи  
нашри, ۱۳۸۱ ҳ. йил. Яна қаранг: ۱۰ /  
۴۸.

[۵] - "Фатҳул-Мажийд", ۵۲۰. Шайх  
Арноут тадқиқи, ۱۴۰۲ ҳ. йил, Дорул  
Баён нашриёти.

[۶] - "Фатава шайх Муҳаммад ибн Иброҳим", ۱ / ۱۷۴, ۱۲ / ۱۹۰. "Фатава шайх ибн Боз", ۳ / ۱۶۰. "ал-Мажмуъус-самийн мин фатаваш-шайх ибн Усаймийн", ۱ / ۶۲.

[۷] - "Тафсирул-Қуръанил-Азийм", ۷/۳۰۶. Ҳадиснин Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ "Сунан, китабул-либас" да келтирди: ۴ / ۳۰۲, № ۴۰۹۲; "Саҳиҳу Муслим, Китабул-ийман", ۹۱; Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ, "Муснад", ۱/۳۸۰; Имом Термизий, "Абвабул-бир", ۱۹۹۹.

[۸] - "Фий зилалил-Қуръан", ۶/۳۳۴۴ (Қисқартмалар билан)

[ 9 ] - "ас-Соримул маслул ала шатимир-расул", 370. Муҳаммад Муҳйиддин Абдулҳамид тадқиқи.

[ 10 ] - Муҳаммад Қутб, "Жаҳилиятул-қорнил-ишрийн", 322. Доруш-Шурук нашриёти.

[ 11 ] - Муҳаммад Қутб, "Жаҳилиятул-қорнил-ишрийн", 320. Доруш-Шурук нашриёти. **Қаранг:** Абдулкарим Зайдон, "Усулуд-даъвах", 368.

[ 12 ] - Аввалги манба, 330-337; Абдулкарим Зайдон "Усулуд-даъвах": 3771.

[13] - Имом Аҳмад "ал-Муснад", 3 / 469; Ибн Можжа: 3969; Аллома Албоний "Силсилатул-аҳадисис-саҳиҳа": 111; "Саҳиҳул-Жомеъ": 1610.

[14] - Имом Аҳмад "ал-Муснад": 0 / 0; Имом Термизий "Истеъзон": 2 / 206; Абу Довуд "Адаб": 0 / 260.

[15] - Имом Аҳмад "ал-муснад": 2 / 402.

[16] - "Тафсирул-Қуръонил-Азийм": 7 / 218.

[17] - Саййид Қутб раҳимахуллох "Фий зилалил-Қуръан": 0 / 3193.

[۱۸] - Саййид Қутб раҳимаҳуллоҳ  
"Фий зилалил-Қуръан": ۶ / ۳۳۸۶.

[۱۹] - Нуҳ алайҳиссалом қиссаси  
билан аллома ибн Касир  
раҳимаҳуллоҳнинг "Қисасул-анбиё"  
китобининг ۱ / ۷۴ саҳифасида  
муфассал танишишингиз мумкин.  
Мустафо Абдулвоҳид нашри.

[۲۰] - Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ  
"Қисасул-анбиё", ۱ / ۳۴۱.

[۲۱] "ал-Муҳаррирул-важиз", ۱ / ۳۴۱.

[۲۲] - "Дақоикут-тафсир", ۳/۳۳۲;  
Доктор Муҳаммад Жалид нашрга  
тайёрлаган.

[[۲۳](#)] - "ас-Сийра": ۱/۳۰۸, ۳۰۹.

Қисқартиб олинди.

[[۲۴](#)] - Устоз Муҳаммад Қутбнинг "Мазаҳибу фикрийятин муосира" китобига қаранг. Чунки, бу китоб бу мавзунини ёритишда тенгги йўқ китобдан намуналардир.

[[۲۵](#)] - "ал-Мажаллатул-арабийя", ۸ сон, ۱۴۰۵ ҳ.й. шайх Авз Қарнийнинг "ал-Ҳадасату фий мизанил-ислам" китобидан иқтибос қилинди, ۸۶- бет

[[۲۶](#)] - "Калиматун ла тамувт" девони, ۲۵۶. Шайх Фарнийнинг "Китабул-ҳидаса" китобидан иқтибос қилинди: ۹۳.

[[۲۷](#)] - "ан-Нақид" ойномаси ۱۳ сони,  
۱۹۸۹ йил. Байрут шаҳри.

[[۲۸](#)] - "ал-Аъмалуш-шеърийя ал-  
камила" ۲ / ۶۵, ۱۹۸۳ йилги нашри,  
Байрут шаҳри.

[[۲۹](#)] - Маҳмуд Дарвиш девони, ۲۴.  
"Дорул-авда" нашриёти, Байрут  
шаҳри.

[[۳۰](#)] - Бадр Шокир девони, ۳۹۵,  
"Дорул-авда" нашриёти, Байрут  
шаҳри.

[[۳۱](#)] - Аввалги манба, ۳۹۹.

[[۳۲](#)] - "Табарий тафсири, ۱۰ / ۱۷۳;  
"Ибн Касир тафсири, ۴ / ۱۱۱;  
Воҳидий "Асбабун-нузул", ۲۵۰.

[۳۳] - Табарий тафсири, ۱۰ / ۱۷۲;  
Ибн Касир тафсири, ۴ / ۱۱۲;  
Воҳидий, "Асбабун-нузул", ۲۵۰.

[۳۴] - Ибн Ҳишом, "ас-Сийратун-набавийя", ۴/۱۶۸. Ибн Касир тафсири, ۴/۱۲.

[۳۵] - Ибн Ҳишом, "ас-Сийратун-набавийя", ۴/۱۶۶. "Зодул-маъод", ۳/۵۳۳. Китоб тадқиқотчиси бу ҳадис ровийларининг ишончли эканини таъкидлаган.

[۳۶] - Ямома ойномаси, ۸۸۷ сон. "аш-Шаркул-авсат" рўзномаси, ۱۵/۷/۱ ۴۰۷ ҳ. Қарний, "Анил-ҳадаса", ۶۹.



[[۳۷](#)] - Устоз Муҳаммад Қутб,  
"Воқиунал-муъасир", ۳۵۸.

[[۳۸](#)] - "ас-Суннатун-Набавийя", ۵۰-  
۵۱.

[[۳۹](#)] - Қарний, "ал-Ҳидаса", ۱۳۸  
("Укоз" рўзномасидан кўчирилди,  
۷۶۰) сони.

[[۴۰](#)] - Аввалги манбаъ, ۷۱. "аш-  
Шарқ" ойномасидан иқтибос  
қилинди, ۳۶۲ сони.

[[۴۱](#)] - Имом Аҳмад, "Фазоилус-  
саҳоба": ۲ / ۸۴۳. Уни тадқиқ қилган  
олим: "Бунинг исноди ҳасандир"-  
деди. "Муснад", ۱ / ۴۲۱, Ал-  
Мустадрак: ۵۳۸۵.

[[۴۲](#)] - "ал-Мусаввир" ойномаси,  
۳۵۰۷ сон.

[[۴۳](#)] - Ибн Касир тафсири, ۵ / ۱۶۸.

[[۴۴](#)] - "Софватул-Осор вал-  
мафаҳийм", ۲/۲۲. Дорул-Арқам  
наршриёти, ۱۴۰۱ ҳ.й.

[[۴۵](#)] - Қасас: ۵۷. "Фий зилалил-  
Қуръон" китобидаги тафсирига  
қаранг.

[[۴۶](#)] - "Даъват" ойномаси, ۹۷۸ сони.

[[۴۷](#)] - "ал-Валау вал-баро", ۴۰۴.

[[۴۸](#)] - "ал-Аҳром" рўзномаси,  
۱۲/۱۰/۱۴۱۲ — ۱۵/۴/۱۹۹۲ йилги сони.

[[۴۹](#)] - "ал-Ҳадаса фий мизанил-Ислам", ۷۰. "Ямома" ойномаси, ۸۸۷ сони.

[[۵۰](#)] - Ямома ойномаси, ۸۸۷ сони. "ал-Ҳадаса фий мийзанил-ислам", ۷۰.

[[۵۱](#)] - "ас-Суннатун-набавийя", ۱۹.

[[۵۲](#)] - Ибн Мунзир "ал-Ижмоъ", ۱۴۷.

[[۵۳](#)] - Саҳиҳул Бухорий, "китабул-либас, бобу эфаул-лиҳа": ۱۰/۳۵۱, ҳадис рақами: ۵۸۹۳. Имом Муслим, "китабут-тахора": ۲۵۹.

[[۵۴](#)] - Муҳаммад ибн Иброҳим фатволари: ۱۲ / ۱۹۵.

[[05](#)] - Бу билан ۱۴۰۲ – ҳ. Йилда ишланган ва Кувайт ҳамда бутун кўрфаз давлатларида бир неча марта намоиш қилинган "Чикди ва қайтмади" номли филми назарда тутилмоқда.

[[06](#)] - “Тафсирул-Қуръонил-Азийм”, ۴ / ۱۲۵.

[[07](#)] - “ас-Сияса” рўзномаси, ۲۸ / ۱۱ / ۱۹۹۱.

[[08](#)] - “ас-Сияса”, ۱۲ / ۱۲ / ۱۹۹۱.

[[09](#)] - “Укоз” рўзномаси, ۹۴.۵ сони, ۲۶ / ۱۰ / ۱۴۱۲ ҳ.

[[10](#)] - “аш-Шаъбул мисрийя” жаридаси, ۶ / ۸ / ۱۹۹۱.

[71] - “ас-Соримул-маслул”, 164,  
165. Ҳадис “Саҳиҳул-Бухорий,  
китабур-риқоқ бабут-тавозуи”: 11 /  
341, ҳадис рақами: 60.2.